БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 213 (16.296) • 12 сентябрь 1975 йил, жума • Баҳоси 2 тийин

БУТУНИТТИФОҚ СТУДЕНТЛАР ҚУРИЛИШ ОТРЯДИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни катта меҳнат муваффақияти билан самимий табриклайман!

Тўққизинчи беш йиллик мобайнида студентларнинг қурилиш отрядлари томонидан юзлаб турли саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари, минг-минглаб километр электр узатиш линиялари, темир йўллар ва тош йўллар, янги-янги уй-жойлар, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари, касалхоналар ва клублар барпо этилдики, бу КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишга қўшилган конкрет ҳиссасидир, ўқувчи ёшлар гражданлик ва сиёсий етуклигининг ёрқин ифодасидир. Ишчилар ва колхозчилар билан биргаликда қилган меҳнатингиз бўлғуси мутахассислар ижтимоий-сиёсий ва меҳнат чиниқишнинг ажойиб мактабидир. Шу нарса муҳимки, учинчи меҳнат семестри олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқув тарбия ишининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолди.

Коммунистик қурилиш программасини бундан кейин ҳам амалга ошириш сизлардан, бугунги студентлар ва талабалардан чуқур профессионал билимлар, ижодий ғайрат ва ҳормай-толмай изланишни талаб этади. Кекса авлодларнинг қаҳрамонона анъаналарини шараф билан давом эттирингиз, ўзингизда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, маънавий поклик, социалистик Ватанга меҳр-муҳаббат, пролетар интернационализми туйғусини тарбиялангиз.

Ёш дўстлар, сизларнинг КПСС XXV съездини аъло ўқиш, зарбдор меҳнат билан, фан-техника ижодиётида ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш билан кутиб олишингизни истайман.

Л. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

МЕХАНИЗАТОР



Суратда: Бобошер ШОВХИЕВ.

Бу сўз заминида олам-олам маъно бор. Механизатор — техника заблкори, машиналар сардори, дала ғвардиячиси. Механизатор — ажойиб ихтирочи ва синовчи, янгиликлар, прогрессив усуллар жарчиси. Механизатор — «ок олтин» бунёдкори, мусобақа байроқдори. Механизатор — социалистик деҳқончилигимизнинг порлоқ истиқболига кенг йўл очувчи зафаргаткаш инсон. Осмонўпар пахта хирмонларимиз техника қудрати, механизаторларимизнинг ҳалол меҳнати билан бунёдга келтирилмоқда. Механизация ва механизатор қишлоқ меҳнат аҳли жўшқин ҳаётининг таркибий қисмига айланди. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Л. И. Брежнев механизаторларга юксак баҳо бериб, уларни қишлоқда марказий фигура деб атади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикамизда механизатор кадрлар тайёрлашга катта аҳамият бериб келмоқдалар. Партиявий-сиёсий, иқтисодий ва давлат аҳамиятига эга бўлган бу масала Марказий Комитетнинг пленумлари ҳамда бюро мажлисларида атрофлича қараб чиқилиб, қарорлар қабул қилинмоқда, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Республика партия ва ҳукуматининг шу йилнинг ўзида 100 минг механизатор тайёрлаш ҳақидаги қарори оталарча ғамхўрликнинг янги тимсолидир.

Механизаторлар тайёрлашнинг сиёсий аҳамияти шундаки, биз бундан кейин ҳам партия ташкилотлари кўрсатган йўлдан бориб, давлат аҳамиятига эга бўлган вазифаларни ҳал этамиз. Асрлар бўйи қақраб ётган поёнсиз чўллар, саҳроларга сув чиқариб ўзлаштирамиз, ирригация-мелиорация иншоотлари қурамиз, сув омборларини бунёдга келтирамиз. пахтачилигимизга янада улкан истиқболлар очамиз. Пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан коммунистик маъмурчилик яратамиз, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширамиз. Бу мураккаб вазифаларни ҳал этишда механизаторларимиз байроқдорлик ролини ўйнайдилар.

Механизаторлар тайёрлашнинг иқтисодий аҳамияти шундаки, давлатимиз қишлоқ хўжалиги учун тобора кўпроқ тракторлар, машиналар, механизм ва агрегатлар етказиб беряпти. Уларнинг қувватидан тўла фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини кескин оширишимиз, рентабелликни кучайтиришимиз, маҳсулот таннархини камайтириб, сортини яхшилашимиз керак. Кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, юқори сифатли пахта етиштиришимиз, барча тармоқларни ривожлантиришимиз зарур. Шу йўл билан колхозлар ва совхозларнинг иқтисодий қудратини оширишга эришмоғимиз даркор. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда механизаторлар карвонбоши бўладилар.

Механизаторлар тайёрлашнинг социал аҳамияти шундаки, дала меҳнатчиларини имконияти борича тезроқ кўл меҳнатидан озод этмоғимиз керак. Дала ишлари нечоғли тезроқ ва кўпроқ механизациялаштирилса. бу вазифа шунча тез адо этилади, машиналар шарофати билан қўл ишидан озод этилган ишчи қучлари халқ хўжалигининг бошқа муҳим тармоқларига сафарбар этилиб, ялпи юксалишга эришилади, айниқса хотин-қизларнинг меҳнати енгиллашади. Меҳнаткашларнинг назарий билимларини ошириш, маданий ҳордиқ чиқариш имкониятлари янада ортади. Механизаторлар қишлоқ меҳнатчиларининг социал турмушини янада яхшилашда қудратли қучдир.

Кўрниб турибдики, механизаторлар республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари, хусусан пахтачилигини тебратиб турган, шаҳдам қадамлар билан олға бошлаётган, истиқбол сари йўналтираётган авангард кишилардир. Партия ва ҳукуматимиз уларни эъзозлаяпти, қадрлаяпти, меҳнатларини юксак баҳолаяпти. Хизмати эл-юртга манзур бўлган механизаторларимиз СССР орден ва медаллари билан мукофотланяпти, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолиги ва аъзоликка кандидатлигига сайланяпти. Бундай ишонч ва ҳурматга доимо содиқ бўлиб қолиш, қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачиликни янада кўпроқ комплекс механизациялашга муносиб ҳисса қўшиш механизаторларнинг муқаддас ишидир.

Республикамизда механизаторларнинг катта армияси етишиб чиқди ва камол топди. Механизациямиз дарғалари Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Жавод Кўчиев, Шоймардон Қудратовларнинг механизаторлар тайёрлаш мактаблари бунёдга келди, шогирдлар тайёрлаш кучайтирилди. Забардаст техника воситаларини тўла қувват билан ишлатаётган моҳир устоз ва шогирд механизаторларимиз пахтачилигимизнинг тўла қонли ҳукмрон кучига айланди.

Ҳозирги механизаторларимиз ўқимишли, ташкилотчи, маданиятли, камтарин, меҳнатга онгли муносабатда бўладиган, ўз касбини шарафлаш учун курашадиган замонавий кишилардир. Улар дала ишларини комплекс механизациялаш, ҳосилдорликни кўтариш, йиғим-теримни тез фурсатда уюшқоқлик билан ўтказишда ўзларини тўла масъулиятли ҳис қиладилар, давлат маҳсулот тайёрлаш планлари ва социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришни муқаддас бурч деб биладилар. Шундай механизаторлардан бири Самарқанд область Пахтачи районидаги Калинин номли колхоз комплекс механизациялашган пахтачилик бригадасининг бошлиғи Бобошер Шовхиевдир.

Бобошер Шовхиевнинг касб-кори механизатор. У онгли ҳаёти, жўшқин меҳнат фаолиятини механизаторлик касбини улуғлашга бахш этиб келмоқда. Бобошер жафокашлиги, камтарлиги, ҳаллоллиги, интизомлилиги билан ўз коллективи ва жамоатчилик орасида ҳурматга сазовор бўлмоқда. Сиёсий жиҳатдан етук, ғоявий жиҳатдан баркамол коммунист, ҳар қадамда «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган қоидага амал қилади, ишда активлик, ташаббус кўрсатади, ўзгаларни ҳам шунга чорлайди.

Донгдор механизатор-бригадир янгиликка ихлосманд. У ҳар бир терим машинасининг мавсумдаги иш унумини 100 тонна ошириш ташаббуси билан майдонга чиқди. Бу ватанпарварлик ташаббуси минглаб механик-ҳайдовчиларнинг мулкига айланди. 50 центнерчилик ҳақида бонг урган ҳам шу механизатор эди. Ниҳоят, теримда қўл кучи ишлатмасдан ҳамма ҳосилни «зангори кема»ларда саранжомлаб олиш шиорини ўртага ташлади, бу тадбирни ўз бригадаси даласида амалга оширди. Мана бир неча йилдирки, ташаббус қанот ёзиб, республикамизнинг барча пахтакор хўжаликларига кенг ёйилмоқда. Бобошер ҳар мавсумда 600—700 тонна дурдонани бункерлардан тўкмоқда, унинг яқунловчи йилдаги марраси — 750 тонна! Бригадаси бўйича 60 центнердан хирмон кутаради.

Бобошер Шовхиев каби илғор механизаторлар халқимиз ва партиямизнинг фахри. Улар халқ бахт-саодати, Ватан истиқболи йўлидаги меҳнатнинг роли ва аҳамиятини яхши тушунади, виждонан жон қуйдириб манглай тери тўкади. Улар учун давлат, халқ манфаати ҳамма нарсадан устун туради. Халол меҳнат мард механизаторни улуғлади. СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, кўксини Ленин ордени, «Урок ва Болга» олтин медали безади. СССР Олий Совети депутатлигига сайланди.

Республикамизда Бобошер Шовхиевга ўхшаган камарбаста механизаторлар кўп. СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Отамурод Худойназаров, Алимурод Ёқубов, Энвер Алиев, Жиянқул Рустамов ва бошка юзлаб, минглаб дала ғвардиячилари шулар жумласидандир. Ҳамма уларга фахрланиб бокади, ҳавас қилади, шунинг ўзи совет механизаторлари учун катта бахтдир.

Бирок механизаторлар тайёрлашда ҳамон жиддий камчиликлар бор. Кадрлар тайёрлаш техника воситалари ишлаб чиқаришдан орқада коляпти. Окибатда машиналар ва механизмлар кўп жойларда бир сменада ишлатиляпти, холос. Механизаторларнинг малакаси пастлиги туфайли баъзи хўжаликларда меҳнат унумдорлиги кўтарилмаяпти. Илғор механик-ҳайдовчилар мавсумда 600—700 тонна пахта тергаларни ҳолда, 60-70 тонналик маррада депсиниб турган механизаторлар ҳам йўқ эмас.

Механизаторлар орасида қўнимсизлик ҳоллари тугатилгани йўқ. Хизмат бурчини ўтаб бўлиб пенсияга чиккан механизаторларнинг ўрни суст тўлдириляпти. Механизаторлик касбини сабабсиз тарк этиб, ўзига доғ тушираётган кишилар ҳам топилади. Давлат ва хўжаликларнинг маблағи сарфланиб ўқитилган ёшлардан бир қисми ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда бошка ишларга ўтиб кетяпти. Айрим колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари механизаторлар, хусусан хотин-киз механизаторларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароитлар яратиб бермаяпти. Партия ташкилотлари бундай салбий кўринишларга карши каттик ўт очишлари, халқ хўжалигимизнинг барча тармоклари, айниқса Пахтачилигимизда механизаторларнинг авангардлик ролини таъминлашлари керак. Партия шундай деяпти, давр, ҳаёт шуни такозо этяпти.

Якинда матбуотда республикамизнинг донгдор механизаторлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ахмаджон Валиев, Турсуной Охунова, Жиянқул Рустамовларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган хати эълон қилинди. Улар техника жиловкорларини якунловчи йилда машиналарда 3 миллион тонна пахта теришга чақирдилар. Бу чакиримка лаббай деб жавоб бериш механик-ҳайдовчи, тележкачи, шофёр, подборщик, кўсак узиш ва кўрак чувиш механизмларини бошкарувчи — хуллас, жамманинг мукаддас бурчидир.

Партия ташкилотлари барча пахтакорлар, шу жумладан механизаторлар орасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтирмоклари, социалистик мусобакани бутун чоралар билан авж олдирмоклари керак, токи бугун бир киши ёки бир группа механизаторлар эришган ғалаба эртага жамманинг мулкига айланиб, ялпи юксалишга эришилсин!

Она-Ватан республикамиз меҳнаткашларидан 5 миллион 200 минг тонна «ок олтин» кутяпти. Механизаторлар билан теримчилар ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, мусобакани авж олдириб, социалистик мажбуриятимизда зиммамизга олган ана шу «ок олтинни» тезроқ юқори сорт билан давлат омборларига топшириб, партиямизнинг XXV съездини ёруғ юз билан кутиб олайлик!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Республика деҳқонлари, барча меҳнаткашлари ҳаётида жуда муҳим давр бошланди. Тайёрлов пунктлари янги пахта ҳосилини қабул қила бошладилар. Бу йил сув танқислигига қарамай, колхозлар ва совхозлар беш йиллиқнинг якунловчи йилида Ватанга 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» беришдан иборат социалистик мажбуриятни бажариш учунгина эмас, балки ошириб бажариш учун ҳам етарли мўл ҳосил етиштирдилар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари жонажон партиямизнинг XXV съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани тобора авж олдириб, йиғим-терим кампаниясини ғоят қисқа муддат ичида уюшқоқлик билан ўтказишни, бунинг учун барча мавжуд ресурслардан, аввало терим машиналаридан самарали фойдаланишни ўз бурчлари деб биладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида идеология министрликлари, идоралари ва муассасалари раҳбарларининг бўлиб ўтган кенгаши республика пахтакорлари қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасида идеология ходимлари — пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, журналистлар, маданият, фан, соғлиқни сақлаш арбоблари олдида турган энг муҳим вазифаларга бағишланди.

Кенгашда таъкидлаб ўтилдики, йиғим-терим даврида қишлоқда барча оммавий-сиёсий ишларнинг маркази ҳосилнинг тақдири ҳал бўладиган далага кўчирилиш керак. Ватан олдидаги бурчини чуқур англаб олишда, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун олиб борилаётган социалистик мусобақада ўз ўрнини топа билишда, барча етиштирилган пахтани ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун курашда ўз ролини белгилашда ҳар бир меҳнаткашга кўмаклашиш — партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, барча идеология ходимларининг энг муҳим бурчидир. Йиғим-терим кампанияси иштирокчилари айниқса механизаторларга моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини маҳорат билан қўллаб олиб бориш, мусобақанинг чинакам таъсирчан бўлишига эришиш керак.

Йиғим-терим пайтида агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар катта иш олиб боришлари керак. Мусобақа натижаларининг ошкоралигини таъминлаш, илғорларнинг рекорди барча пахтакорлар томонидан қабул қилинишига эришиш агитаторлар ва сиёсий ахборотчиларнинг бурчидир. Партия комитетлари агитаторлар ва сиёсий ахборотчиларга ўз вақтида йўл-йўриқ бериб туришлари, бутун хўжаликда, районда, областда ва республикада ишнинг қандай бораётганлигидан уларни мунтазам равишда хабардор қилиб туришлари, дала шийпонларида кўрсатмали агитацияни яхши уюштиришлари лозим.

Матбуот, телевидение, радио ходимлари йиғим-терим кампанияси кунларида ўзларини мусобақанинг чинакам ташкилотчилари эканликларини кўрсатишлари керак. Оммавий ахборотнинг маҳаллий органларига алоҳида эътибор бериш лозим. Деворий газеталар ва жанговар варақалар, «Молния» варақалари, колхоз ва совхоз радиогазеталарининг оператив эшиттиришлари пахта терувчиларни меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларга руҳлантириб туриши лозим.

Шуни доимо эсда тутиш керакки, пахтакорларнинг меҳнат унумдорлиги кўп жиҳатдан уларнинг кайфиятига, уларнинг дам олиши қандай уюштирилганлигига ,теримчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг бутун комплекси қандай амалга оширилаётганлигига боғлиқдир. Теримчиларни кутубхоналар хизматидан бахраманд қилаётган, телевиденне эшиттиришлари ва кинофильмларни кўриб, радио тинглашни таъминлашга эришаётган партия комитетлари ва маданият муассасаларининг ташаббуслари қўллаб-қувватлашга ва кенг оммалаштиришга сазовордир. Пахтакорлар далада бўлган чоғида мунтазам равишда иссиқ овқат билан таъминланиши керак. Хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш, уларни йиғим-теримга жалб этиш учун мактабгача болалар муассасаларининг ишларини йўлга қўйиш, керакли миқдорда болалар боғчалари ва яслиларига эга бўлиш керак. Соғлиқни сақлаш қишлоқлари далаларда санитария постлари ташкил қилишлари, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини қаттиқ кузатиб туришлари лозим. Матлубот кооперацияси ва маиший хизмат ходимлари шу кунларда ғоят пухта ишлашлари талаб қилинади.

Кенгашда партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг барча идеология ишлари, идеология муассасаларининг бутун фаолияти ҳозирги вақтда КПСС XXV съезди шарафига Ўзбекистон меҳнаткашлари қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга қаратилиши лозим эканлиги таъкидлаб ўтилди.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1975 йил сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида пахта териш ва давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобака якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроғи **Фарғона областига** (область партия комитетининг секретари ўрток Шамсиддинов, область ижроия комитетининг раиси ўрток Умаров, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Тўйчиев, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўрток Мирзаахмедов, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўрток Хўжаев, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўрток Расулов, область комсомол комитетининг секретари ўрток Раҳимов) берилди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планни 13,72 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Бухоро областига** (область партия комитетининг секретари ўрток Муртазоев, область ижроия комитетининг раиси ўрток Ҳайруллаев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Жўраев, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўрток Захаров, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўрток Каньшин, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўрток Косовский, область комсомол комитетининг секретари ўрток Носиров) берилди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 11,46 процент бажарган.

Кашқадарё областининг хўжаликлари пахта териш ва тайёрлашда яхши ишлаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Фарғона областининг Ленинград районига** (район партия комитетининг секретари ўрток Марасулов, район ижроия комитетининг раиси ўрток Исмоилов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Раҳматуллаев, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Ғафуржонов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Имомов, район комсомол комитетининг секретари ўрток Йўлдошева) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 24,43 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Андижон областининг Ленин районига** (район партия комитетининг секретари ўрток Тожибоев, район ижроия комитетининг раиси ўрток Исманов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Рўзиев, «Ўзсельхозтехника »район бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Гаев, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Каримов, район комсомол комитетининг секретари ўрток Абдуллаев) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 22,14 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Қашқадарё областининг қўрғонтепа районига** (район партия комитетининг секретари ўрток Саидов, район ижроия комитетининг раиси ўрток Турсунов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Тўраев, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Ҳазраткулов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Жабборов, район комсомол комитетининг секретари ўрток Курбонов) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 6,3 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Сурхондарё областининг Жарқўрғон районига** (район партия комитетининг секретари ўрток Рустамов, район ижроия комитетининг раиси ўрток Боймуротов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Маматхолов, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Жўраев, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Донаев, район комсомол комитетининг секретари ўрток Ҳайруллаев) берилди. Бу район пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш йиллик планини 7,65 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Фарғона область, Кировобод районидаги «Бешариқ» совхозига** (совхоз директори ўрток Мейлиев, партия ташкилотининг секретари ўрток Усмонов, ишчилар комитетининг раиси ўрток Усмонов, комсомол ташкилотининг секретари ўрток Ғаниев) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 30,05 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Қашқадарё область, Ульянов районининг қўрғонтепа Ульянов номли совхозига** (совхоз директори ўрток Ҳазраткулов, партия ташкилотининг секретари ўрток Шукуров, ишчилар комитетининг раиси ўрток Авазов, комсомол ташкилотининг секретари ўрток Баратов) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 19,21 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Қашқадарё область Чирокчи районидаги Ўзбекистон Компартияси номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси ўрток Бердикулов, партия комитетининг секретари ўрток Кенжаев, комсомол ташкилотининг секретари ўрток Элназаров) берилди. Бу колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 42 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Сурхондарё область, Жарқўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўрток Узбеков, партия ташкилотининг секретари ўрток Каримов, комсомол ташкилотининг секретари ўрток Бойназаров) берилди. Бу колхоз пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш йиллик планини 13,96 процент бажарган.

5.200.000 ТОННА УЧУН

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 11 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,91	13,73
Бухоро	1,78	11,46
Қашқадарё	1,95	11,44
Андижон	1,59	9,72
Сурхондарё	1,12	6,56
Хоразм	0,92	5,03
ҚҚАССР	0,76	4,08
Наманган	0,75	3,61
Самарқанд	0,58	2,24
Тошкент	0,24	1,10
Жиззах	0,09	0,49
Сирдарё	0,14	0,35
Республика бўйича:	1,08	6,56
Шу жумладан ингичка толали пахта:		
Сурхондарё	1,22	6,70
Наманган	1,58	6,10
Қашқадарё	1,24	5,03
Бухоро	1,02	3,74
Республика бўйича:	1,24	6,19

ДОН—ДАВЛАТГА!

Республикамиз областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 11 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — мавсум бошидан буён тайёрланган дон; учинчи стун — бир кунда (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Андижон	101,1	—
Фарғона	84,3	0,5
Қашқадарё	69,3	0,2
Тошкент	59,4	1,0
Наманган	59,3	—
Самарқанд	56,5	3,7
Сирдарё	54,9	0,7
Сурхондарё	50,6	0,1
Бухоро	31,6	0,3
Жиззах	29,7	0,7
Хоразм	5,0	0,7
ҚҚАССР	4,3	0,4
Республика бўйича:	42,0	0,7

ҚИШЛОҚЛАР ЯНАДА ОБОДОНЛАШАДИ

Жонажон партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги ва беқиёс ёрдами туфайли республика колхозларида уларнинг экономикасини мустаҳкамлаш асосида капитал қурилишнинг юксак суръатларига эришилмоқда.

Бирок колхозлардаги капитал қурилишнинг ўсиш суръатлари ва техника даражаси ҳали талаблар даражасида эмас. Колхозларда капитал қурилиш сохасидаги камчиликларни бартараф этиш йўллари 11 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган колхозлараро қурилиш ташкилотлари вакилларининг республика кенгашида атрофлича муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон ССР Министрлари Совети колхозларда қурилиш давлат-кооперация бирлашмасининг раиси Э. Ашуров Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозларида капитал қурилишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори бажарилишини таъминлашда республика колхозлараро қурилиш ташкилотларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан янги социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов қатнашди.

ДЎСТЛАР ҲУЗУРИДА

ПЛОВДИВ, 11 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Пловдив шаҳрига келди.

БКП округ комитетида совет меҳмонлари округ ва шаҳар раҳбарлари билан учрашдилар. Округ комитети секретари С. Божилов округ меҳнаткашларининг ҳаёти, округ партия ташкилоти фаолияти тўғрисида гапириб берди.

СССР Олий Совети делегацияси совет халоскор жангчилари ёдгорлигига гулчамбар қўйди, революцион курашда ва фашизмга қарши курашда халок бўлган қаҳрамонлар хотираси шарафига ўрнатилган мемориал комплексни бориб кўрди.

Делегация халқаро Пловдив ярмаркасида бўлди, шаҳар билан танишди.

ҲАЁТ ВА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Инсон қони ҳақли равишда ҳает сабабчиси деб аталади. Медицина хизматининг энг муҳим тармоғи—қон қуйиш хизмати аъкиллари Тошкентда 11 сентябрда гематологлар ва трансфузиологларнинг биринчи республика съездига тўпландилар. Съезд ишида қатнашиш учун Москва, Ленинграддан, қардош иттифоқдош республикалардан Ўзбекистон пойтахтига таникли медик-олимлар келишди.

Съездни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тулдурос карсаклар остида съезднинг фахрий президиумига сайланди.

Биринчи ялпи мажлисда Ўзбекистонда гематология ёрдами ва қон қуйиш хизматининг аҳволи тўғрисида, текин донорликни ривожлантиришда республика «Қизил ярим ой» жамиятининг роли тўғрисида ва бошка муҳим масалалар хусусида докладлар тингланди. Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

ГДРдан КЕЛГАН МЕҲМОН

Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети Телевидение давлат комитетининг раиси Х. Адамек Ўзбекистонда уч кун меҳмон бўлиб турди.

Меҳмон Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг фаолияти билан танишди ва унинг раҳбарлари билан сухбатлашди. У Тошкентнинг диккатга сазовор жойларини кўздан кечирди, Самарқандга борib келди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ ТАЖРИБАСИДАН

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

МАҲАЛЛАЛАРДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР

Меҳнаткашларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялаш, уларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш, коллектив иши учун чуқур масъулият ҳиссини кучайтириш ва шу йўл билан уларни коммунизмнинг актив қурувчилари қилиб етиштириш партия ташкилотлари олиб бораётган оммавий-сиёсий ва ташкилий-тарбиявий ишлар мазмунини ташкил этмоқда. Чилонзор район партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иктисодий таълими тўғрисида»ги карори ва идеология ишларини янада кучайтириш юзасидан кейинги йилларда қабул қилган бошқа қарорларига изчил амал қилган ҳолда идеология ишлари усул ва услубларини тинмай такомиллаштириб, унинг таъсирчанлигига самарадорлигини ошириб бормоқда. Коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг ижтимоий ва сиёсий активлигини кучайтириш, уларни совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми, коммунистик ахлоқ руҳида, ўтмиш иллатлари ва саркитларига карши муросасиз курашчи руҳида тарбиялаш район партия ташкилоти фаолиятида асосий ўринни эгаллямоқда.

Чилонзор — Тошкентнинг энг йирик районларидан бири. Бу ерда 320 мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Улар маънавий эҳтиёжи ва қизиқиши турлича бўлган, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ишчилар, хизматчилар, врачлар, ўқитувчилар, пенсионер ва ўсмирлардир. Бундан ташқари район территориясида пойтахтдаги ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилиш ташкилотларига қарашли 53 та ётоқхона ҳам жойлашган. Район партия ташкилоти истиқомат жойларида ва маҳаллаларда оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида мавжуд 39 та микрорайоннинг ҳар бирига бир неча бошланғич партия ташкилотлари, маданий-оқартув муассасалари, уй-жойлардан фойдаланиш идоралари, уй-жой бошқармалари ва бошқа бир қатор ташкилотларни биріктирди. Барча микрорайонларда жамоатчилик вакилларидан иборат Советлар ишлаб турибди. Махсус низом асосида иш олиб бораётган бу Советлар истиқомат жойларида ва маҳаллаларда оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларининг ҳақиқий ташкилотчилари ҳисобланадилар. Район партия ташкилоти меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришда уларга якиндан ёрдам кўрсатмоқда. Энг яхши ишлаётган Советларнинг тажрибалари умумлаштирилиб, кенг оммалаштирилмоқда. Якинда райком бюроси уларнинг ярим йиллик фаолиятини ўрганиб, 103, 194, 44, 101, 107-, 184-ўрта мактабларнинг директорлари бошчилик қилаётган Советларнинг иш фаолиятини намунали деб топди.

Бошланғич партия ташкилотлари ташаббуси билан бу Советларда оммавий агитация, атеистик, маданий-оқартув, спорт, болалар ва ўсмирларни тарбиялаш, микрорайонларни ободончаштириш ишлари юзасидан секциялар ташкил қилинган. Советларда ушбу микрорайон ҳаётидан турли вазифалар муҳокамасига доир йиғилишлар ўтказиб турилади. Секция раҳбарларининг оммавий-сиёсий ишларни кандай олиб борилаётгани ҳақидаги ҳисоботлари тингланади. Коммунистлар депутатлар группалари, маҳалла комитетлари, район кутубхоналари билан мунтазам алокада бўладилар.

Бошланғич партия ташкилотлари маҳалла ва истиқомат жойларида оммавий-сиёсий ишлар олиб боришнинг энг таъсирчан ва самарали формаларидан кенг фойдаланмоқда. Кўплаб аҳоли КПСС XXIV съезди хужжатларини ўрганиш юзасидан ташкил қилинган халқ университети ҳамда 88 жойда муваффакиятли иш олиб бораётган ота-оналар учун «Педагогика билимлари», маданият, турмуш, соғлиқни сақлаш халқ университетларига ва лекторийларига жалб қилинган. Республика мактабгача педагогика ва музика билим юртлари бошланғич партия ташкилотлари энг тажрибали педагог-активларни меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий-сиёсий ишларни олиб бориш учун сафарбар килди. Микрорайонларга биріктирилган агитаторларнинг семинар-кенгашлари мунтазам ўтказиб турилмоқда. Партия бюроларида ва йиғилишларида микрорайон советларининг раҳбарлари ва аъзолари, агитатор ва сиёсий ахборотчилар мунтазам ҳисобот ва ахборотлар билан чиқиб турадилар.

Партия ташкилотлари у ёки бу микрорайонда истиқомат қилаётган кишиларнинг кундалик ҳаёти, уларнинг қизиқиши ва маънавий эҳтиёжини чуқуррок ўрганиш ва бундан улар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни янги погонага кўтаришда фойдаланишга алоҳида эътибор бормоқдалар. Бунда район бўйича ташкил қилинган 16 та ташвикот-тарғибот майдончаларининг роли катта бўлянти. Партия, совет, касаба союз ходимлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари, «Билим» жамияти район ташкилотининг лекторлари, сиёсий ахборотчилар ва сиёсий ташкилотчилар ана шу майдончаларда турли мавзуларда суҳбатлар ва лекциялар уюштирмоқдалар. Ўтган йили ва шу йилнинг олти ойи давомида бошланғич партия ташкилотлари ташаббуси билан ташвикот ва тарғибот майдончаларида 300 дан ортиқ турли тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирларда 55 мингдан кўпроқ аҳоли иштирок этди. Айниқса, Гагарин номли кўчада ташкил этилган Совет ташвикот ва тарғибот майдончасидан аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб боришда кенг фойдаланмоқда. Коммунист Галина Романова раҳбарлик қилаётган микрорайон Совети аъзолари ўзларига биріктирилган уйларда тез-тез бўлиб, тарбиявий ишларни яхши йўлга қўймоқдалар. Совет аъзоси коммунист А. Бурхонов ва Р. Логачева ўсмирлар билан иш олиб боради. Уларнинг актив аралашуви билан кўпгина йигит ва қизлар ҳунар-техника билим юртларида ўқиш учун йўлланма олдилар. Советда тарбия ишлари яхши йўлга қўйилмаган оилалар билан шуғулланувчи секция ҳам бор. Советнинг ибратли фаолияти сабабли микрорайонда социалистик турмуш қондаларини бузиш ҳоллари кескин камайди.

Район партия ташкилоти микрорайон Советлари ишига раҳбарликни кучайтириб уларнинг фаолиятини маълум мақсадларга йўналтириб турибди. Райком қошида ташкил этилган район Советида микрорайон советлари раислари, агитпункт ва ташвикот-тарғибот майдончалари мудирларининг ҳисоботлари муҳокама қилиб борилади.

Тематик кечалар ва суҳбатлар, тез-тез уюштириб турилдиган лекциялар аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришнинг муҳим омилларидан бўлмоқда. В. И. Ленин туғилган кунининг 105 йиллигига бағишлаб ўтказилган кечага мингдан ортиқ кишилар қатнашди. «Комсомол қалби», «Чилонзор бугун ва эртага», «Янги инсон қиёфаси» каби мавзуларда ўтказилаётган суҳбатлар зўр қизиқиш билан тингланмоқда. Шунингдек, поэзия мухлислари кечалари, машҳур кишилар билан учрашувлар ҳам мунтазам ўтказиладиган бўлди. Домбробод, Чилонзор, Қозиробод кўчалари ҳамда Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган чилонзорлик жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик майдончасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётимизнинг турли соҳаларига бағишлаб ўтказилаётган суҳбат ва лекциялар тингловчиларда чуқур таассурот колдиряпти. Ана шундай суҳбатлар ва учрашувлар натижасида янги анъаналар вужудга келаётир. Кўча ва кварталлар байрамларини ўтказиб туриш ана шундай анъаналардан биридир. Бундай байрамлар кишиларнинг ўзаро алокасини мустаҳкамлаш ва уларни тарбиялашда катта роль ўйнамоқда.

Районда тарбиявий-сиёсий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги якунловчи йил план-топшириқларини муваффакиятли бажаришда ҳал килувчи омил бўляпти. Районимиз меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди карорларини изчиллик билан бажара бориб, тўккизинчи беш йиллиқни катта муваффакиятлар билан якунламоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойларида маҳсулот реализация килиш плани анча ошириб бажарилди. Заргарлик заводи, сут комбинати, 8-темир-бетон буюмлари заводи коллективлари социалистик мусобақада илғорлик қилаётирлар. Ҳамма ерда КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун кураш авж олмоқда. Район партия ташкилоти меҳнаткашларни ана шу мухим ишга сафарбар килар экан, уларни ғоявий чиниктиришнинг энг таъсирчан формаларидан янада кенгрок фойдаланади, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар даражасини янада кучайтиради.

Т. СОДИҚОВ.
Тошкент шаҳар. Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

10 сентябрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида республика халқ хўжалиги ва маданиятининг турли соҳаларидаги илғор ходимларга орден ва медаллар топширилди.

Саноат, темир йўл транспорти, қурилишдаги ишлаб чиқариш участкаларининг мастерлари ва алоҳида ўрнак кўрсатган кишилар СССР орден ва медалларини олишди.

Халқ хўжалиги ходимлари, фан ва маданият арбобларининг бир группасига Ўзбекистон ССР-нинг фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги шаҳодатномалар ва кўкракка тақиладиган нишонлар, республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов мукофотланган ходимларни қизғин табриклади ва уларга сиҳат-саломатлик ҳамда меҳнатда янги муваффақиятлар тилади (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими» деган фахрий унвонни белгилаш тўғрисида фармон қабул килди ва шу фахрий унвонга сазовор бўлган шахслар учун кўкракка тақиладиган нишон таъсис этди.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими» фахрий унвони физкультура ташкилотлари, физкультура-спорт иншоотлари, даволаш физкультураси муассасалари, физкультура-спорт ўқув юртлари коллективларининг физкультура ва спортни ривожлантиришда катта хизмат кўрсатган ходимларига ва жамоатчилик асосида ишлаб, спорт соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган,шу соҳада камида 15 йил ишлаган кишиларга берилади.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ТУГАДИ

Шарқнинг машҳур мутафаккири Абу Наср ал Форобийнинг 1100 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция 9 сентябрда Москвада ўз ишини тамомлади.

Совет ва чет эл олимларининг докладлари ва нутқларида ал-Форобийнинг жаҳон маданиятига кўшган хиссаси, унинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, этик ва эстетик қарашлари, табиий-илмий ва математик мероси ёритиб берилди.

Ал Форобий юбилейига бағишланган тантаналар Олмаотада давом эттирилади. Бу ерда чет эллардан келган меҳмонлар иштирокида 11 сентябрдан 13 сентябргача илмий конференция ўтказилади. Бу конференцияда буюк комусчи олимнинг шарқ мамлакатлари маданиятига кўшган хиссаси ёритилади. (ТАСС).

СЪЕЗД ОЛДИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРАМИЗ

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАРНИНГ ЗАРБДОР КУНЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорида жонажон партия съездларини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олишдек шонли традицияни давом эттириб, қимматли ташаббуслар билан майдонга чиқаётган меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ҳаракатига юксак баҳо берилди.

Пахта далаларининг азаматлари, енгил ва пахта тозалаш саноати меҳнатчилари барча совет кишилари каби жонажон партия анжуманини беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари ошириб бажариш ҳамда меҳнатдэ янги ютуқлар билан кутиб олиш иштиёқида ғайрат кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон мамлакатимизнинг асосий пахта базасидир. Республикамиз меҳнаткашлари Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотида қатнашар эканлар, «оқ олтин» тайёрлашни мунтазам кўпайтириб боришни ўзларининг Советлар юртидаги қардош халқлар олдидаги интернационал бурчлари деб биладилар. Ўзбекистон пахтакорлари ўз бурчларига садоқатларини намойиш қилиб, партия комитетлари раҳбарлигида йилдан-йилга бу қимматбаҳо экин — «оқ олтин» ҳосилини кўпайтирмоқдалар. Ўтган йили эса ўзбек деҳқонлари пахтачилик тарихида мисли кўрилмаган ютуқка эришдилар — давлат хирмонига 5 миллион 330 минг тонна «оқ олтин» тўкиб, рекорд кўрсаткичга эришдилар. Ўзбекистон бундай муваффақиятга КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва шахсан Леонид Ильич Брежневнинг доимий ёрдами туфайли эришди.

КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси, Совет ҳукумати пахтачиликни янада ривожлантириш, пахтакор хўжаликларнинг иқтисодиётини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг моддий фаровонлигини яхшилаш учун оталарча ғамхўрлик қилмоқдаларки, бу нарса кейинги йилларда бир неча марта пахтанинг харид нархларини ошириш ва устама ҳақ тўлашда ҳам кўринмоқда. Масалан, шу йил июнь ойида СССР Министрлар Совети «Давлатга пландан ташқари сотиладиган пахтанинг харид нархларига устама ҳақ тўлаш тўғрисида» янги қарор қабул қилди.

Дала меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг бундай катта ғамхўрлигига қаҳрамонона меҳнатлари билан жавоб бермоқдалар. Улар социалистик мусобақани кенг авж олдириб, мураккаб об-ҳаво шароити ва сув тақчиллигини мардонавор енгиб: «оқ олтин»дан рекорд ҳосил кўтариш ва давлатга сотиш учун кураш олиб бормоқдалар. Ҳа ,Ватан тўққизинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида Ўзбекистон пахтакорларидан бултургидан ҳам кўп «оқ олтин» ҳосили олишига шубҳа йўқ.

Мўл ҳосил ўз вақтида йиғиштириб олиниши ва тайёрлов пунктларига топширилиши лозим. Шунинг учун пахта тозаловчилар бултургидан қолган пахта ҳосилини тез қайта ишлашлари ва пахта тозалаш заводларини ҳамда тайёрлов пунктларини янги ҳосилни қабул қилишга, сақлашга ва қайта ишлашга сифатли тайёрлашлари зарур. Шу туфайли тармоқ корхоналарининг моддий-техника базасини капитал ремонтдан чиқариш учун қатор тадбирлар кўрилди. Бу ишда бизга республика Автомобиль транспорти министрлиги 1974 йил ҳосилини тайёрлов пунктларидан ташиб олиб; темир йўл транспорти ходимлари тайёр маҳсулотни пахта тозалаш заводларидан олиб кетиб; Моддий-техника таъминоти бош бошқармаси корхоналари зарур материал ва асбоб-ускуналар билан таъминлаб катта ёрдам бердиларки, натижада пахта тозалаш заводларини ва тайёрлов пунктларини ўз вақтида капитал ремонт қилишга киришдик.

Пахта тозалаш заводларини капитал ремонт килиш чоғида асосий диққат-эътибор тайёрланадиган маҳсулот сифатини оширишга, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланишга, ишчиларнинг иш шароитини яхшилашга қаратилган тадбирларга бажаришга каратилди. Республикадаги деярли барча пахта тозалаш заводларида анча самарали тола тозаловчи машиналар ўрнатилди. Пахта тозаловчи эски дастгоҳлар янгилари, мукаммалларига алмаштирилди. Хуллас, бу йил корхоналаримизда 600 та янги пахта тозаловчи, 280 та тола тозаловчи машина, 24 та пресс, 80 та линтер ва бошқа асбоб-ускуналар ишлайди.

1975 йилги пахта ҳосилини жойлаштириш учун мавжуд тайёрлов пунктларининг территорияси кенгайтирилди ва янги ғарамлаш майдончалари бунёд этилди. Бундан ташқари, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд областлари ҳамда ҚҚАССР-нинг, асосан, чўл районларида йигирмадан знёд янги тайёрлов пункти қуриб битказилди.

В. УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри

●

Тайёрлов пунктларида ҳозир 11 мингтадан ортиқ механизмлар: ғарам бузгич, қабул қилувчи-узатувчи мосламалар, лентали транспортерлар, ҳаракатланувчи нарвонлар ва бошқа жиҳозлар бор. Бу саноатимизнинг пахта тайёрлаш мавсумида пахтакор хўжаликлардан ҳар куни республика йиллик планининг 8,3 процентигача, айрим пунктлар эса — 10-12 процентигача ҳосилни қабул қилиб олишига имкон яратади. Шу ўринда Андижон, Фарғона, Наманган ва бошқа пахта тайёрлаш трестларига қарашли корхоналарнинг мавсумга ўз вақтида ва сифатли тайёргарлик кўрганини қайд қилиб ўтиш керак.

Бухоро, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё пахта тайёрлаш трестларининг корхоналари янги ҳосилни қайта ишлашни бошлаб юборди. Кун сайин бошқа заводлар ҳам ишга киришмоқда. 1975 йил «оқ олтин»ини қайта ишлаш бошланди, бирок тармоқ мутахассислари келажак ҳақида ўйламоқдалар. Келажак эса ҳар доим ривожланиш билан боғлиқдир.

Хўш, пахта тозалаш саноатининг ривожланиш йўллари қандай? Биринчидан, 1976 йилда хўжаликларни юқори сифатли уруғлар билан таъминлаш мақсадда чигитлик уруғ тўла-тўкис сараланди. Иккинчидан, келаси йилдан бошлаб, уруғлик пахтани шундай чигит экилган зоналардаги айрим заводларидагина қайта ишлаш кўзда тутилмоқдаки, бу уруғчиликни марказлаштириш ва ихтисослаштиришга олиб келади. Учинчидан, бу йил машинада терилган пахта ҳосилини қайта ишловчи поток линияларни ишлаб чиқариш синови тугалланади.

Бизнинг тармоғимиз учун янги техника яратаётган пахтачилик саноати Марказий илмий-тадқиқот институтининг Тошкент пахта тозалаш бўйича конструкторлик бюроси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника институти, «Сигнал» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа муассасалар катта иш қилишяпти. Бирок, пахта тозалаш саноати ҳамон сортни аниқлайдиган, пахтанинг намлиги ва нфлосланганлигини белгилайдиган, оғир иш жараёнларини механизациялаштириш имконини берадиган янги техникага муҳтож. Ўйлаймизки, олимлар ва конструкторлар яқин орада саноатимиз учун ишлаб чиқаришни ва меҳнат шароитини яхшилашга ёрдам берадиган асбоб-ускуналарни яратиб берадилар.

Пахта тозалаш заводларида социалистик мусобақа кенг қулоч ёзмоқда. Кўпгина корхоналарнинг коллективлари ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, КПСС XXV съезди шарафига янги оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Республика пахта тозаловчилари шу кунларда маҳсулот реализация қилиш йиллик планини 24 декабрда бажариш, пландан ташқари 155 миллион сўмлик маҳсулот реализация этиш, планда белгиланганидан 30 минг тонна пахта толаси, 460 тонна кўп каноп толаси тайёрлаш, меҳнат унумдорлиги ўсишини 3 процентга кўтариш, планга қўшимча 2 миллион сўм фойда олиш, пахта толасининг 70 процентигача, линтнинг эса 83 процентигача ГОСТ нормаси бўйича ишлаб чиқаришга эришиш учун барча имкониятларини ишга соляптилар. Натижада, маҳсулот реализация қилиш саккиз ойлик плани 107,8 процент адо этилди, пландан ташқари 133,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация килинди. Меҳнат унумдорлиги плани 106,8 процентга етказилди. Пахта толаси ва линтнинг сифати анча яхшиланди.

Ютуқларимиз билан бирга, камчиликлар хам бор. Пахта тозалаш саноати ходимлари барча куч-ғайратларини пахтани сифатли қилиб тайёрлашга, уни аъло даражада сақлашга, вақтида қайта ишлаб юқори сифатли пахта маҳсулоти чиқаришга қаратганлар. Бу, тармоғимизнинг тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида энг яхши натижаларга эришишига йўл очиб беради ва ўз навбатида мамлакат иктисодий кудратини янада мустаҳкамлашга қўшилган муносиб ҳисса бўлади.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 11 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — районлар; иккинчи стун — мавсум бошидан буён.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ	
Ленинград	24,43
Киров	24,24
Бувайда	16,69
Қува	14,66
Ўзбекистон	13,64
Охунбобоев	13,36
Фрунзе	12,65
Бағдод	11,67
Риштон	10,70
Тошлоқ	9,30
Олтиариқ	7,43
Фарғона	3,14
Қувасой шаҳри	2,91
БУХОРО ОБЛАСТИ	
Бухоро	17,84
Олот	14,22
Когон	13,69
Қоракўл	13,61
Ромитан	13,01
Шофирқон	12,13
Ғиждувон	11,28
Вобкент	10,37
Свердлов	10,15
Қизилтепа	7,37
Навоий	5,21
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ	
Шаҳрисабз	20,76
Яккабоғ	20,00
Чироқчи	16,96
Китоб	15,76
Ғузор	11,42
Қарши	9,19
Косон	6,44
Ульянов	6,37
Қамаши	5,38
Нишон	5,38
АНДИЖОН ОБЛАСТИ	
Ленин	22,14
Андижон	16,33
Пахтаобод	11,81
Москва	11,27
Марҳамат	10,82
Хўжаобод	9,90
Избоскан	9,67
Жалолқудуқ	7,13
Балиқчи	5,70
Бўз	4,51
Қўрғонтепа	2,67
Комсомолобод	2,20
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ	
Сариосиё	11,83
Денов	9,33
Жарқўрғон	7,65
Термиз	7,20
Шерабод	5,53
Шўрчи	5,24
Ленин йўли	2,06
Гагарин	1,21
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ	
Гурлан	7,05
Хонқа	6,06
Хазорасп	6,04
Шовот	5,87
Хива	5,03
Янгиариқ	4,20
Урганч	4,12
Боғот	3,68
Қўшкўпир	2,58
ҚҚАССР	
Тўрткўл	11,01
Бируний	5,81
Амударё	3,37
Қўнғирот	2,44
Хўжайли	2,41
Шуманай	1,50
Ленинобод	1,09
Чимбой	0,97
Кегайли	0,87
Нукус	0,60
Тахтакўпир	0,36
НАМАНГАН ОБЛАСТИ	
Чуст	13,44
Янгиқўрғон	4,70
Поп	3,94
Наманган	3,71
Уйчи	3,51
Тўрақўрғон	3,05
Норин	2,66
Косонсой	1,35
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ	
Хатирчи	4,74
Иштихон	3,91
Пахтачи	3,83
Каттақўрғон	3,47
Булунғур	2,43
Пайариқ	2,29
Пастдарғом	2,24
Жомбой	1,85
Нарпай	1,51
Оқдарё	0,56
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ	
Янгийўл	3,92
Урта Чирчиқ	1,66
Чиноз	1,23
Бекобод	1,19
Пискент	0,71
Бўка	0,69
Оққўрғон	0,32
Қуйи Чирчиқ	0,19
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ	
Жиззах	2,57
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ	
Сирдарё	0,75
Гулистон	0,72
Ворошилов	0,46
Боёвут	0,31
Ховос	0,12

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Республика областларида ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида шу йил 11 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи стун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	14,3	56,3
Жиззах	10,6	53,4
ҚҚАССР	8,5	38,5
Хоразм	5,9	22,4
Сирдарё	6,0	20,1
Сурхондарё	5,8	19,3
Қашқадарё	4,4	14,7
Андижон	4,8	12,2
Самарқанд	5,0	11,1
Наманган	0,9	7,3
Бухоро	2,1	5,8
Фарғона	1,3	4,4
Республика бўйича:	5,9	22,5

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

БЕШ ЙИЛЛИК — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ҚИРҒИЗИСТОН ССР САНОАТИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИ

Қирғизистон ССР меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди карорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партиянинг иқтисодий сиёсат масалалари юзасидан берган йўл-йўриқларига амал қилиб, социалистик мусобакани кенг ривожлантириш асосида саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмини ўстириш юзасидан беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин, 25 августда бажардилар. Беш йил мобайнида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш КПСС XXIV съезди Директивларида кўзда тутилган 45—48 процент ўрнига 52 процент ортади. Маҳсулотнинг кўпгина турлари, шу жумладан кўмир казиб чиқариш, юк автомобиллари, қишлоқ хўжалик машиналари, цемент, пахта толаси, ички трикотаж, пайпоқ, ўсимлик мойи ва мол ёғи, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш юзасидан беш йилликнинг сўнгги йили учун белгиланган даражага эришилди.

Юздан ортиқ саноат корхонаси беш йиллик планларини бажарди. Қирғизистон кон-металлургия ва Кант, цемент-шифер комбинатларининг, «Киргизавтомаш» ва Фрунзе автомобиль йиғиш заводларининг, «Октябрь 40 йиллиги» ва 1 Май номли тикувчилик фабрикаларининг ва бир канча бошқа корхоналарнинг ишлаб чиқариш коллективлари беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажардилар ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминладилар.

Республика машинасозлик, электро-энергетика, енгил ва озиқ-овқат саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Маҳсулотнинг кўпгина турлари Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда.

Беш йиллик мобайнида 25 та йирик саноат корхонаси қурилиб ишга туширилди. Урта Осиёда энг йирик корхоналардан бири бўлган Ўш ип газлама комбинати қуриб битказилди.

Шу билан бирга республика саноатида ишлаб чиқаришни ўстириш ва унинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш резервларидан тўла даражада фойдаланилмаяпти.

Қирғизистон меҳнаткашлари ўзларининг куч-ғайратларини ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш қувватларидан, меҳнат ва моддий ресурслардан яхширок фойдаланишга каратмоқдалар, КПССнинг навбатдаги XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар.

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

ЎСМИРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ — ДАВЛАТ АҲАМИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН КАТТА ВАЗИФА

10 сентябрь куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети халқ маорифи, фан ва маданият доимий комиссияларининг ҳамда ёшлар ишлари бўйича комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Иттифоқ Совети халқ маорифи, фан ва маданият комиссиясининг раиси А. Э. Восс билан Миллатлар Совети ёшлар ишлари бўйича комиссиясининг раиси А. А. Асқаров мажлисни олиб бордилар.

Балоғатга етмаган ёшлар орасида қонунни бузишнинг олдини олиш соҳасида министрликлар ва идораларнинг олиб бораётган иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ана шу масала юзасидан депутатларнинг биргаликдаги тайёргарлик комиссиясининг раҳбари — Иттифоқ Совети ёшлар ишлари бўйича комиссияси раисининг ўринбосари В. С. Папутининнг доклади, СССР маориф министри М. А. Прокофьевнинг, СССР Министрлар Совети Ҳунар — техника таълими давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. А. Саюшевнинг, автомобиль саноати министри В. Н. Поляковнинг, меҳнаткашлар депутатлари Горький область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. М. Макиевскийнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда мамлакатимизда социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ — тартиботни янада мустаҳкамлаш юзасидан КПСС XXIV съезди ўртага кўйган вазифаларга асосланиб ёш авлодни ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиялаш юзасидан катта иш олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Сўнгги йилларда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ва ўқув юртларининг балоғатга етмаган ўсмирлар орасида қонунни бузишнинг олдини олиш масалаларига эътибори кучайди.

Шу билан бирга сўзга чиққан нотиқлар халқ маорифи, ҳунар—техника таълими органлари ва муассасалари, маъмурий органлар, меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари, жамоат ташкилотлари балоғатга етмаган ўсмирларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш ва улар орасида қонунни бузишнинг олдини олиш ишида мавжуд социал — иқтисодий имкониятлар ва амалдаги қонунлардан ҳали ҳам тўла даражада фойдаланмаётганликларини таъкидлаб ўтдилар.

Мажлисда Миллатлар Совети халқ маорифи, фан ва маданият комиссиясининг раиси П. Н. Федосеев, депутатлардан А. Н. Шибалов, Е. А. Шчекутева, Б. Н. Пастухов, Л. Н. Кузнецов сўзга чиқдилар.

Комиссиялар балоғатга етмаган ўсмирлар орасида қонунни бузишнинг олдини олиш ва ўқувчиларни ҳуқуқий тарбиялашни кучайтириш, ўсмирларни ишга жойлаштиришни ҳамда улар билан ишлаб чиқаришда ва истиқомат жойларида тарбиявий ишни ташкил қилишни яхшилаш, оилада ўсмирларни тарбиялашни яхшилаш соҳасидаги ишларни ташкил қилишни яхшилашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқдилар. Бир канча таклифларда ҳуқуқий билимларни пропаганда қилишни яхшилаш, оммавий ахборот воситалари, кино ва бошка маданият муассасаларининг балоғатга етмаган ўсмирларни ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиялашдаги иштирокини яхшилаш кўзда тутилади.

Мажлисда СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ТАСС).

Андижон области. Пахта тайёрлаш пунктлари янги ҳосилни қабул қила бошладилар. «Оқ олтин» хирмонлари куп сайин кўкка бўй чўзмоқда. Суратларда: (чапдан) Андижон шаҳридаги биринчи пахта тозалаш заводи қабул пунктларида янги ҳосилни қабул қилиш ва лаборантка Азиза Хўжаева хом ашёнинг сифатини текшириш учун намуна оляпти.

Р. Ашуров фотолари (ЎзТАГ).

ПАХТАКОРЛАР СОВҒАСИ

Республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани кучайтириб, унумдор далаларда ғайрат билан ишламоқдалар, бутун куч ва техника воситаларини сафарбар этиб, терим суръатини соат сайин кўтармоқдалар. Жойлардан олинаётган хушхабарлар шундан далолат бермоқда.

ХИВА: пахта теримининг боришини район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати Мадамин Маткаримов шарҳлайди.

— Районимизнинг барча хўжаликларида пахта терими оммавий равишда бошлаб юборилди. Бу йилги йиғим-терим КПСС XXV съездини муносиб совғалар билан кутиб оламиз деган шиор остида ўтказилмоқда. Қалбида ўти, билагида кучи бор кишиларнинг ҳаммаси съезд олди йили теримида қатнашиш, умумхалқ ишига қўлидан келган ҳиссасини кўшишни муқаддас бурч деб билмоқда.

Биз 3 сентябрь куни теримга киришдик. Шу куни далаларда 2 минг теримчи ишлаб, уруғлик пахта терди. 8 сентябрь куни теримчилар сони 6 минг кишига етди. Шуниси характерлики теримчиларнинг ҳаммаси кунлик графикларни тўла ва ошириб бажармоқда. Эрта-индин теримчилар сонини 10 минг кишига етказиш чоралари кўрилмоқда.

Районимиз бўйича съезд олди йилида 47 минг тонна пахта етиштирамиз. Шундан 23 минг тоннаси машиналарда терилади. Дефолиация қизғин давом эттириляпти. Машиналар, механизаторлар, тележкачилар мавсумга шай. 20 сентябрда машина теримини бошлаймиз.

Ҳозир Ленин номли, Бируний номли, Крупская номли, Энгельс номли колхозлар кунига йиллик планнинг бир процентидан ошириб пахта топширишга киришди, эрта-индин бошка хўжаликлар ҳам шундай кўрсаткичга эришади. Якин фурсатда район бўйича ҳар куни йиллик планнинг 4-5 процента миқдорида пахта тайёрлаймиз. Давлатга «оқ олтин» сотиш йиллик планини узоғи билан 15 октябрда бажарамиз.

ПАХТАЧИ: телефонда район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Зулайҳо НОРҚУЛОВА.

— Теримни 1 сентябрь куни бошладик. Шу куни терилган пахтадан кизил карвон ташкил килиб, давлат тайёролов пунктига дастлабки «оқ олтин» дурдоналарини жўнатдик. Карл Маркс номли, «Коммунизм», «Пахтакор», «Самарканд» колхозларининг заршунослари теримда байроқдор бўлмоқдалар, бу хўжаликлар кунлик суръатни бир ярим процентга етказдилар.

Шу кунларда далаларимизда 8 мингга якин теримчи этак боғлаб пешона тери тўкяпти, уруғлик пахтани кўпайтиряпти. Дастлабки кунларнинг якуни кунлик ўсишни кескин кўтариш учун ҳамма имкониятлар борлигини кўрсатди. Ўтган йили машиналар ишга туширилгач, кунлик ўсиш 4,67 процентга борган эди, бу йил 5,5-6 процентлик маррани кўзлаяпмиз.

Районимиз меҳнаткашлари тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи боскичида 60 минг тонна «оқ олтин» тайёрлашга сўз берганлар. Шунча ҳосил бор, эндиги муҳим вазифа уни тезкорлик билан йиғиб-териб олишдан иборат. Якин кунларда теримчилар сонини 12 минг 500 кишига етказамиз. Социалистик мусобакани кучайтирамиз.

Дефолиация тугалланмоқда. Далаларимизда 248 та терим машинаси икки сменада ишлатилади. Машина теримини 20 сентябрда бошлаймиз. Шунга яраша тараддуд кўриб кўйдик. Хар кандай шароитда хам машиналар бункеридан 33 минг тонна дурдона тўкилишини таъминлаймиз.

Ташаббускор районимиз меҳнаткашлари якунловчи йилда гектаридан 46 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш билан партиямизнинг XXV съездини кутиб оладилар.

ҲОСИЛНИНГ 80 ПРОЦЕНТИ МАШИНАДА

Бу йил совхозимизда 3650 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. План бўйича ҳар гектар ердан 26,2 центнердан ҳосил олиниши ва давлатга 9550 тонна пахта топширилиши керак. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан ҳосилдорликни гектар бошига 38 центнерга, ялпи ҳосилини эса 13870 тоннага етказиш мажбуриятини олдик. Шунда ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги бултургига нисбатан 3,6 центнер, ялпи ҳосил эса 1300 тонна кўпаяди.

Бу йил об-ҳаво шароити ноқулай, иқлим ниҳоятда қурғоқ келгани, сув танқис бўлгани натижасида юз берган қийинчиликларга пахтакорларимиз бой тажрибаларини, билим ва маҳоратларини қарши қўйдилар. Ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишладилар. Барча майдондаги ғўза саккиз марта сифатли культивация қилинди. Уч марта озиқлантирилди. Беш марта қондириб суғорилди. Ҳозир ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 130 минг туп ўсимлик, ҳар туп ғўзада 10—12 тадан бўлиқ кўсак бор. Хулоса қилиб айтганда, даламизда мажбуриятни тўла қоплайдиган даражада ҳосил етилди.

Ўтган йилларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, машина терими фақат ҳосил йиғим-терининггина эмас, балки умуман пахтачиликни ривожлантириш учун олиб борилаётган курашнинг муваффақиятини таъминлайди. Қаердаки машина теримига яхши эътибор берилса, терим агрегатлари унумли ишлатилса, йиғим-теримнинг муддати қисқаради. Давлат плани ва олинган мажбурият барвақт бажарилади. Пахта етиштиришга қилинадиган меҳнат ва маблағ сарфи камаяди. Маҳсулотнинг таннархи арзонлашади. Унинг сифати яхшиланади. Даромад ва соф фойданинг миқдори кўпаяди.

Бу йил механизаторларимиз машиналар билан 11 минг тонна пахта ёки етиштирилган барча ҳосилнинг 80 процентини териб бериш мажбуриятини олишган. Шу муносабат билан совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти бу йил машина теримини ўтказиш тадбирларини белгилади.

Аввало шуни айтиш керакки, барча майдондаги ғўза машинабоп қилиб ўстирилди. Экин ғовлаб кетишига, пахта майдонларини бегона ўтлар босишига, охирги суғоришда қатор ораларини сув ювиб ўйилишига йўл қўйилмади. Мавжуд 84 та терим агрегати, 188 та тележка, 16 та подборщик, 13 та погрузчик, 42 та транспорт трактори баҳордаёқ сифатли ремонт қилиб қўйилган эди. Совхозда 168 механик-ҳайдовчи бор. Яқинда совхоз ҳузурида ташкил этилган бир йиллик механизаторлар тайёрлаш курсини 34 киши тамомлади. Улар механик-ҳайдовчилик қилади. Яна 4 ойлик курсда 32 киши ўқияпти. Улар ҳам терим даврида агрегатларни бошқаришади. Хуллас, ҳар бир терим агрегати икки сменада ишлатилади.

Машина теримининг муваффақияти дефолиацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга боғлиқ. Бу йил аҳоли яшайдигаи пунктлар яқинидаги 600 гектар майдондаги ғўза ерда ишлатиладиган механизмлар ёрдамида, қолган 3050 гектар майдондаги ғўза эса самолётлар ёрдамида дефолиация қилинади. Дефолиацияни ғўзанинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириб ўтказяпмиз. Дефолиацияни 5 сентябрда ғўза тупларида 2—3 тадан кўсак очилганда бошладик. Уни бугун-эрта тугаллаймиз. Ҳозир учта самолёт ва 10 та агрегат билан дефолиация ўтказиляпти.

Пайкалларнинг икки томонида машиналар қайтадиган жойлар тайёрланмоқда. Бу ердаги ғўза дефолиацияни бошлаш олдидан десикация қилинган эди. Пахтаси тўлиқ териб олинди ва ғўзапоядан тозаланди. Ҳозир 6 та грейдер ва 6 та бульдозер қайтиш жойларини текисламоқда.

Ғўзанинг барги тўкилиб, кўсакларнинг 65—70 процента очилгач, машиналарни ишга туширамиз. **Белгиланган графикка биноан ҳар бир машина билан бир кунда ўртача 10 тоннадан — жами машиналар билан 840 тонна пахта терилади. Қўл теримида минг киши қатнашади. Ҳар бир теримчи ўртача 60 килограммдан — жами 60 тонна пахта теради. Шундай қилиб, ҳар куни 900 тоннадан пахта терилади ва тайёрланади. Қўл теримини 5 сентябрда бошладик. Йиллик план узоғи билан 7 октябрда, мажбурият эса 25 октябрда бажарилади. Ҳосил йиғим-терими 5 ноябрда тугалланади.**

Машиналар группа усулида ишлатилади. Ҳар бир группада 4—5 тадан машина бўлади. Терим бункер — тележка — тайёрлов пунктидан иборат поток усулида ташкил этилади.

План бўйича бу йил етиштирилган ҳосилнинг 65 процента биринчи, 11 процента иккинчи, 24 процента учинчи ва тўртинчи сортларга топширилиши керак. Амалда эса 9015 тонна пахтани биринчи сортга топшириш, иккинчи ва учинчи сорт пахтанинг миқдорини ҳам тўртинчи сорт пахтанинг миқдорини камайтириш ҳисобига оширишни назарда тутмоқдамиз. Шундай қилинганда СССР Министрлар Советининг қарорига биноан пландан ташқари топширилган пахта учун кўпроқ қўшимча ҳақ олинади. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда, **бу йил умуман пландан ташқари 4890 тонна. шу жумладан биринчи сортлар билан 4300 тонна пахта топшириш назарда тутилмоқда.** Унинг бир тоннасининг ўртача ҳарид нархи 490 сўмга тенг. Демак, **совхоз СССР Министрлар Советининг қарорига биноан пландан ташқари топширилган пахта учун 1 миллион 54 минг сўм қўшимча ҳақ олади. Шунда пахта чиликдан олинадиган ялпи даромаднинг миқдори 7 миллион сўмга, шу жумладан соф фойданинг миқдори уч миллион сўмга яқинлашади. Пахтачиликнинг рентабеллик даражаси янада ошади.**

Терим машиналарига техника қаровини намунали йўлга қўямиз. Бутун терим даврида 8 та кўчма устахона тўхтовсиз ишлайди. Уларда эҳтиёт қисмлар, механиклар, слесарлар ва токарлар бўлади.

Агрегатлар бевосита пайкалнинг ўзида заправка қилинади. Мавжуд 8 та бензин ташийдиган машина ва бўлимлардаги 6 та ёнилги ташийдиган трактор терим машиналари, транспорт тракторларини бензин, керосин ва мойлаш материаллари билан узлуксиз таъминлаб туради.

Теримда мусобақа кенг йўлга қўйилади.

Мусобақа натижаси ҳар беш кунда якунланади. Мусобақада биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни олган бўлимларга бериш учун совхоз дирекцияси, партия бюроси ва ишчилар комитетининг учта кўчма Қизил байроғи, илғор бригадаларга бериш учун биттадан бўлимларнинг кўчма Қизил байроқлари, илғор механик-ҳайдовчилар ва тракторчиларга бериш учун иккитадан вимпеллари таъсис этилди Совхоз, бўлимларнинг кўчма Қизил байроқлари ва вимпеллар билан бирга пул мукофотлари ҳам берилади. Йил охирида эса ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришда юқори натижага эришган бўлим, механик-ҳайдовчиларга мукофот берилади.

Илғор бўлим ва бригадалар юксак марраларни кўзлашяпти. Ибин Абдусаматов бошлиқ 4-бўлим коллективи 670 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш, унинг ҳаммасини машиналар билан териш ҳақида ваъда берди. Раҳмат Роҳатов бошлиқ 1-бўлим пахтакорлари эса 590 гектар майдонда ҳосилдорликни 42 центнерга етказиш ва пахтанинг 95 процентини машиналар билан териб олишни мўлжаллашмоқда. Насиб Дурсунов бошлиқ бригадада ҳосилдорликни 65 центнерга, Раҳмон Файзуллаев бошлиқ бригадада эса 55 центнерга етказиш, етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини фақат машиналар билан териш назарда тутиляпти Илғор механик-ҳайдовчилардан Бекназар Матризаев, Шобарат Ризаев, Йўлдош Шарипов ва бошқалар 200—250 тоннадан пахта териш ҳақида сўз беришди

Бу тадбирлар йиғим-теримнинг суръатини тезлаштириш, давлат плани ва олинган мажбуриятни барвақт бажариш, ҳосил йиғим-теримини қисқа муддатда тугаллаш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш имконини беради.

А. ОМОНБОЕВ,
Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз директори.

С. ЧЕГАБОЕВ,
партия бюросининг секретари.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЗҒИН

ФАРҒОНА, [9 сентябрь «Совет Ўзбекистони» мухбиридан]. Мана бир неча кундирки, Фарғона пахтазорлари устида кишлок хўжалик авиациясининг самолёт ва вертолётлари узлуксиз парвоз этяпти. Улар пахтаси машинада билан териладиган майдонлардаги ғўза баргларини сунъий тўкириш учун дефолиацияга киришдилар. Дефолиация Киров районида айниқса, уюшқоқлик билан боряпти. Бу ерда бир куннинг ўзида 800 гектар майдондаги ғўзага химикат сепилди. Ўзбекистон, Охунбобоев ва бошка районларда ҳам ғўза баргини сунъий тўктиришга қизғин киришилди. Самолётлар ва вертолётлардан ташқари «ОВХ-14» ва бошка агрегатлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Бу йил областда 300 минг тонна «оқ олтин» терим агрегатлари билан йиғиштириб олиниши керак. Область далаларида жонбозлик кўрсатаётган авиаторлар, кўп сонли химизаторлар «зангори кема»лар учун кенг фаолият майдони яратиш ниятида дефолиацияни уюшқоқлик билан ўтказаётирлар.

О. ҲАКИМОВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИГА

16 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг XXX сессияси очилиши муносабати билан СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бошчилигида СССР делегациясини тасдиклади.

Украина ССР Министрлар Совети республика ташқи ишлар министри Г. Г. Шевель бошчилигида Украина ССР делегациясини тасдиклади.

Белоруссия ССР Министрлар Совети республика ташқи ишлар министри А. Е. Гуринович бошчилигида Белоруссия ССР делегациясини тасдиқлади.

КОМБИНАТНИНГ ЯНГИ «ИХТИСОСИ»

ПРАГА, 11 сентябрь. (ТАСС). Пльзен шаҳридаги В. И. Ленин номли «Шкода» машинасозлик комбинати янги «ихтисос» касб этди. Келаси беш йилликдан бошлаб у асосан атом электр станцияларга машина-ускуналар чиқариш билан шуғулланади.

Совет Иттифоқи шу муҳим вазифани бажаришда ҳорхонага катта ёрдам кўрсатади. Совет Иттифоқи техника ҳужжатларидан ташқари ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини қайта қуришда ёрдам кўрсатади. Совет мутахассислари атом реакторларини ясашда орттирган бой тажрибаларини чехословакиялик ҳамкасбларига ўргатадилар. Реакторларнинг биринчиси бу ерда, 1977 йилда қурилмоғи лозим.

Халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида икки қардош мамлакат ҳамкорлиги бошланганига 20 йил бўлди.

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

БИСАУ, (ТАСС). Бу ерда, Гвинея-Бисау Республикасининг пойтахтида Жаҳон Тинчлик Кенгаши Президиуми бюросининг сессияси очилди. Замонамизнинг актуал масалалари: Африкада янги мустамлакачиликка қарши кураш, миллий озодлик ҳаракати. Португалия ва Яқин Шарқдаги аҳвол, шунингдек бошқа бир қанча масалалар сессиянинг кун тартибида турибди.

Сессиянинг ишида Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Бош секретари Ромеш Чандра, халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг Бош секретари Фанни Эдельмани, халқаро студентлар союзининг президенти Душан Улчак ва Европа, Осиё, Африка ва Америкадаги йигирмадан зиёд мамлакатдан бу ерга келган бошқа кўпгина таниқли жамоат арбоблари ва сиёсий арбоблар қатнашмоқдалар. Сессия қатнашчилари орасида тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг делегацияси ҳам бор.

Гвинея-Бисау Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Франсиско Мендес табрик нутқи сўзлади. У Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунларига юксак баҳо берди ва кишиларнинг энг қимматли мулки — ер юзида тинчликни қаттик туриб ҳимоя қилаётган Жаҳон Тинчлик Кенгашининг фаолияти муҳим эканлигини таъкидлади. Ф. Мендес Гвинея-Бисау халқи Жанубий Африка Республикаси, Намибия, Родезия ва бошқа мамлакатлардаги миллий озодлик ҳаракатлари билан бирдам эканлигини айтди.

Гвинея ҳукуматининг бошлиғи Португалиядаги аҳволга тўхталиб, Португалия халқи ва унинг тараққийпарвар ташкилотлари билан бирдам эканлигини изҳор қилди. У Чилидаги Пиночет тўдасининг жиноятларини қоралади.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Бош секретари Ромеш Чандра сессияда сўзлаган нутқида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш якунлари Европа қитъаси учунгина эмас, бутун дунё учун ҳам муҳим эканлигини уқтириб ўтди.

ЧИЛИ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

◆ УЛАН-БАТОР. Монголия пойтахтида Чили халқининг кураши билан бирдемлик митингги ўтказилди. Митинг қатнашчилари Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корваланни ҳамда фашист хунтасининг зиндонлари ва қамок лагерларида азоб чекиб ётган бошқа сиёсий маҳбусларни дархол озод этишни талаб қилдилар.

◆ ПАРИЖ. Франция Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, «Юманите» газетасининг редакцияси ҳар куни минг-минглаб хат ва телеграммалар олмоқда. Француз меҳнаткашлари бу хат ва телеграммаларда Чилидаги ҳарбий хунта томонидан амалга оширилаётган репрессия ва террор сиёсатига қарши кахр-ғазаб билан норозилик билдирадилар. Улар Чили халкининг қаҳрамон фарзанди Луис Корваланни ҳамда бошка демократлар ва ватанпарварлар озод қилинсин, деб талаб этмоқдалар.

◆ ЛОНДОН. Чилининг Лондондаги элчихонаси дарвозаси олдида кун сайин пикетлар уюштирилмоқда. Кўлда ёзилган ва кишилар кўтариб олган плакатларда Чили ҳарбийларининг ёвузлигига лаънат ўқилади. Намойишчилар Чилидаги репрессияларнинг тўхталишини талаб этмоқдалар.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ БЕРЛИН. Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларидан 800 мингдан ортиқ киши 1975 йилнинг биринчи ярмида рационализаторлик таклифларини киритдилар. Шу таклифлар жорий этилганда ҳар йили 1,8 миллиард марка иқтисодий фойда олинади

◆ ОТТАВА. Канадада ишсизлар армияси кўпаймоқда. Расмий маълумотларга қараганда, август ойида иш тополмай юрган кишилар сони барча меҳнатга қобилиятли аҳолининг 7,3 процентини ташкил қилди. Айниқса эркаклар орасида ишсизлар кўп.

◆ ЛИМА. Перуда раҳбарлик составида бўлган ўзгариш иқтисодий-ислоҳотлар жараёнини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, мамлакатнинг барча революцион кучларини ривожлантиришга ёрдам беради. Перу Министрлар Кенгашининг ранси ва ҳарбий министр Оскар Варгас Понето Такна шаҳрида сўзга чиқиб шундай деди.

◆ ВЬЕНТЬЯН. Лаос ҳукумати Вьентьяндаги учта хусусий коммерсия банкларини ревизия қилди. Чет элга қочиб кетган ўнг унсурларнинг йирик маблағларини маъмурлар четга чиқармай қўйдилар ва акцияларини мусодара қилдилар.

◆ ТОКИО. Япония ҳукумати 1975—1976 молия йилида мамлакатнинг ҳарбий ҳаражатлари учун 1.526 миллиард иена ажратди. Бу эса Япония миллий мудофаа бошқармасининг ўтган молия йилида сарфлаган маблағларига қараганда 15 процент кўп

(ТАСС).

ЧЕТ ЭЛ АЖОЙИБОТЛАРИ

САБЗАВОТ УЧУН «КИЙИМ»

Японялик қимёгарлар сабзавот, ҳўл мева, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини узоқ муддат давомида сақлаш учун янги плёнка тайёрладилар. Ана шундай «кийим» туфайли маҳсулотларни сақлаш муддати олдинги одий шароитга қараганда тўрт баравар узаяди.

Янги плёнка состави желатин, картошка крахмали ва содадан иборат. Плёнка ҳеч қандай ҳид таратмайди, тез ювилади ва инсон саломатлиги учун жуда ҳам зарарсиз.

ФИЛЬМНИ ЎҒИРЛАШДИ

Римдаги «Техниколор» номли кинофильмларни қайта ишлаш ва нусха олиш компанияси ходимлари яқинда фильм йўқолганлигини аниқладилар. Фирманинг тайёр маҳсулот сақлайдиган хоналаридан режиссёрлар — Ф. Феллини, П. Пазолини, Д. Дамиани, Ф. Розилар томонидан суратга олинган фильмлар солинган қутичалар йўқолган. Ўғирлаб кетилган фильмлар бир нусхада бўлиб, унинг нархи беш миллиард лирга тенг эди.

Кино асарларининг ўғирланиши матбуот саҳифаларида катта шов-шувга сабаб бўлди. Итальянликлар ўтмишдошлари ишлаган ажойиб расмлар, ҳайкалтарошлик ва санъатнинг бошқа ноёб асарларининг ўғирланишига «кўникиб» қолишган. Лекин кинофильмлар бу ерда биринчи марта изсиз йўқолди.

Йўқолган кинолёнкалар тақдири санъат мухлисларида ташвиш уйготмоқда. Тахмин қилинишича, ленталар аввалдан пухта ўйлаб иш, тутган ўғрилар тўдаси томонидан олиб кетилган. Эндиликда улар фильмлар учун катта миқдорда пул талаб қилишлари турган гап.

САЕҲАТЧИЛАРГА МУРОЖААТ

Флоренциядаги бош чернов биносига кираверишдаги эшик тепасига Исо пайғамбарнинг мармардан ишланган ҳайкали қўйилган эди. У бундан тўрт юз йил илгари ҳайкалтарош Сансовиньо томонидан ишланган эди. Августнинг ўрталарида ҳайкалнинг ўнг қўли кутилмаганда саёҳатчилар турган майдонга узилиб тушди. Майдаланиб кетган мармар парчаларини саёҳатчилар эсдалик сифатида йиғиштириб олишди.

Едгорлинки тикловчилар Сансовиньо асарини йўқолган парчаларсиз аслига келтириб бўлмаслигини айтишди. Шундан сўнг Флоренция маъмурияти меҳмонлар ва шаҳар аҳолисига мармар парчаларни олиб келиб беришларини илтимос қилиб, уларга мурожаат қилди.

ДЎСТЛИК ОЙЛИГИ ТАМОМ БЎЛДИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС мухбири). Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланганлигининг тўрт йиллигига бағишлаб Ҳиндистонда ўтказилган ҳинд-совет дўстлиги ойлиги тамом бўлди. Мамлакатнинг барча штатларида ва иттифоқ территорияларида фестиваллар ўтказилди, совет кинофильмлари, виставкалари намойиш қилиб кўрсатилди. шу санага бағишланган кўпдан-кўп йиғилишлар ўтказилди.

Тинчлик ва бирдамлик Умумҳиндистон ташкилотининг бош секретари Барен Рай ТАСС мухбири билан суҳбатда бу йил шартнома йиллигининг байрами гоят кенг кўламда ўтди, деб айтди. Халқаро майдонда ва мамлакат ичкарисида бўлиб ўтган сўнгги воқеалар Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Ҳиндистоннинг ҳақиқий дўсти эканлигини яна бир марта намойиш қилди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Ҳиндистон ҳукумати ва халқининг ўзи танлаб олган тинчлик ва прогрессив ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан боришга интилишини қўллаб-қувватладилар.

Ҳиндистон-Совет дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасида тузилган шартнома, деб таъкидлади Барен Рай, Ҳиндистоннинг тинч иқтисодий ривожланиши учун муетаҳкам гарантия бўлиб хизмат килади.

А. АРХИПОВ.

ЯНГИЛИКЛАР

◆ КЕКСА БИЛИМ МАСКАНИ

◆ САМАРҚАНД МЕВАЛАРИ

ШИМОЛЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

◆ ЮКСАК БАҲО ОЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР

◆ ШИФОКОР-ОЛИМЛАР

◆ ҒАФУР ҒУЛОМ НАШРИЁТИНИНГ ТУҲФАСИ

◆ ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

АХБОРОТ
ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ

Узоқ шимолга

Шу кунларда Ўзбекистон граждан ҳаво флоти бошқармаси Самарқанд бўлинмаси авиаторларининг иши кўпайиб қолди. Ҳар куни ноз-неъмат ортилган самолётлар Узоқ шимолга йўл олмоқда. Саҳий Самарқанд тупроғида етиштирилган олма, нок, узум ва помидорлар ҳаво лайнерларида Мирный, Магадан, Норильск ва Архангельск шаҳарларига жўнатиляпти. Бу ўлка меҳнаткашларига бир ойнинг ўзида сервитамин маҳсулотлардан 500 тоннаси етказиб берилди.

Сахалинлик пойгачилар

Машинада Петропавловск-Камчатскдан Прагага йўл олган сахалинлик пойгачилар яқинда кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида меҳмон бўлишди. Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги шарафига океан баликчилиги бошқармаси уюштирган мазкур автопойга қатнашчилари саккиз денгизчи ва бир врачдан иборат. Улар тўртта «Запорожец» автомашинасида саёҳатга чиқишибди. Пойгачилар барча иттифоқдош республика пойтахтларини айланиб чиқиб, сафарни Чехословакия пойтахти — Прага шаҳрида тугаллашмоқчи. Пойга раҳбари Ф. Рибкин Самарқанд ҳақидаги таассуротларини қисқача сўзлаб берди.

— Шаҳрингиз менга жуда ёқди. Гўр-Амир мақбарасининг мовий минораси, Шоҳи-Зинда ансамбли-ю, Регистоннинг ҳайратомуз кошинлари бизни лол қолдирди. Шаҳрингизда яна бир бор меҳмон бўлиш ниятидамиз.

В. ЖУРАЕВ.

Қишлоқ жамоли

Наманган областининг Янгиқўрғон районида кун сайин ўзгариб, яшариб бораётган бир қишлоқ бор. Бу ерда аҳоли учун барча қулайликлар мавжуд. Ўтган йили типовой лойиҳа асосида 640 ўқувчига мўлжалланган уч қаватли мактаб биноси фойдаланишга топширилган эди. Эндиликда ишлаб турган иккита саккиз йиллик мактабда 1500 дан зиёд ёшлар илм чашмаларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

5 мингга яқин аҳоли яшайдиган қишлоқда клуб, тўртта магазин, почта, новвойхона, ошхона ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишлаб турибди. Илгари тракторни бошқариш учун ҳам бошқа қишлоқдан мутахассис таклиф этилган бўлса, ҳозирги кунда бу ерда тўртта инженер, олий маълумотли қишлоқ хўжалик мутахассислари самарали меҳнат қилмоқдалар: халқ хўжалигининг исталган соҳаси бўйича кадрлар топилади.

А. АСРОРОВ.

Қисқа сатрларда

ФАРҒОНА. Ленинград районидаги «Комсомол» колхозида янги билим юрти иш бошлади. Колхоз ва совхозлар учун механизаторлар тайёрланадиган бу илм даргоҳига янги ўқув йилида 180 йигит-қиз қабул қилинди.

Қ. МАДУМАРОВ.

* * *

ШАҲРИСАБЗ. «Хужум» бадиий фабрикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар иттифоқимизга машҳур. Корхонанинг «Беҳзод» деб аталган сержило гилами ва «Чизма», «Санама» дўппилари Швеция кўргазмасига юборилди.

Т. ПАРДАЕВ.

Бу китобларни ўқинг

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди:

Авторлар коллективи. ДОҲИЙ СИЙМОСИ. В. И. Ленин ҳақида ҳикоя ва очерклар. Тўпловчи ва «сўнгги сўз» автори филология фанлари кандидати Шариф Юсупов. 438 бет. Тиражи 15.000, баҳоси 82 тийин.

Авторлар коллективи АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЯРИМ АСРИ. Мақолалар тўплами. Иккинчи китоб. 448 бет. Тиражи 4000, баҳоси 1 сўм 55 тийин.

Ги де Мопассан. АЗИЗИМ. Роман. Иброҳим Ғафуров таржимаси. 368 бет, тиражи 60.000 баҳоси 68 тийин.

Миркарим Осим. ЖАҲҲУН УСТИДА БУЛУТЛАР. Тарихий қиссалар. 271 бет, тиражи 12000, баҳоси 56 тийин.

Людмила Татьяничева. ЛАҲЗА. Шеърлар тўплами. 64 бет, тиражи 7000, баҳоси 20 тийин. Авторлар коллективи таржима қилган.

Рауф Парфи. ХОТИРОТ. Шеърлар. 78 бет, тиражи 1000, баҳоси 23 тийин.

ОЙДИН ЙЎЛ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ 40 ЁШДА

ОКТЯБРЬ социалистик революциясидан кейин, айниқса, беш йилликлар даврида Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг саноати, транспорти, қурилиши, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданияти тез ривожлана бошлади. Айниқса, ўлкада фан ва маданиятнинг ривожланишида Қорақалпоғистон давлат педагогика институтининг тутган ўрни катта. Ўтган қирқ йил мобайнида педагогика институти педагогик кадрлар тайёрлашда ажойиб муваффақиятларга эришди. Ана шу институтни битириб чиққан юз-юзлаб кадрлар партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларида, колхоз ва совхозларда самарали ишламоқдалар, фан ва маданиятни юксалтириб бормоқдалар.

Бундан 40 йил олдин Тўрткўлда ўқитувчилар институти ташкил қилинди. 1935 йилда физика, математика, қорақалпоқ тили ва адабиёти бўлимлари очилиб, 42 студент таълим олди. Шу йилларда Ватанимизнинг йирик шаҳарларидан келган педагоглар маҳаллий миллат ёшларига дарс бердилар. 1942 йилда институт Тўрткўлдан Чимбой шаҳрига кўчирилди, табиат, география факультети очилди. 1944 йилда бу институт бирлашган педагогика ва ўқитувчилар институти бўлиб қайта тузилди. Шу йили 240 кишилик сиртқи бўлим ва ўқитувчилар малакасини ошириш курси очилди.

Институт 1945 йилда Чимбой шаҳридан Нукусга кўчирилгандан кейин ўзининг мустақил моддий техника базасига эга бўлди. Ҳозир олий мактабда еттита факультет бўлиб, беш мингдан зиёд студент таълим олмоқда. Институтда 27 кафедра бор, уларда 240 ўқитувчи ишламоқда. 97 киши фан кандидати ва фан докторларидир. СССР Министрлар Советининг Қорақалпоғистон Давлат педагогика институтини 1976 йил июнь ойидан Давлат университети қилиб тузиш ҳақида чиқарган қарори автоном республика меҳнаткашлари қувончига-қувонч қўшди.

Т. Г. Шевченко номидаги Қорақалпоғистон Давлат педагогика институти ташкил топган куннинг қирқ йиллик юбилейи Санъат саройида бўлиб ўтди. Юбилей тантанали йиғилишини институт ректори Т. Изимбетов кириш нутқи билан очди. Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов институт коллективини, профессор-ўқитувчилари ва студентларини область партия комитети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Автоном Республика Министрлар Совети номидан қизғин табриклади ва ижодий ишларида муваффақиятлар тилади.

Институтнинг босиб ўтган қирқ йиллик йўли ҳақида институт ректори Т. Изимбетов доклад қилди.

Тантанали йиғилиш охирида қорақалпоқ санъат усталари ижросида катта концерт берилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Илмий муассасаларда

ҲАЁТ МАНБАИ

Улуғ Октябрь инқилобига қадар Туркистонда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш қай даражада эканлиги кўпчиликка аён. Шаҳарлардаги жуда оз сонли шифокорлар малакали медицина ёрдамига муҳтож бўлганларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиролмасди. Қишлоқ жойларда эса врачлар, умуман, йўқ эди. Шу боисдан ҳам аҳоли тўғридан-тўғри табибларга мурожаат қилишарди.

Аҳолига замонавий медицина хизмати кўрсатишнинг уюштирилиши Совет ҳокимиятининг кўплаб тадбирлари билан, шу жумладан, биринчи марта Ўрта Осиёда медицина факультетига эга бўлган университет ташкил этиш бўйича улуғ Ленин қабул қилган Декрет билан ҳам боғлиқдир. Тошкентда очилган дорилфунуннинг медицина факультети клиникасида А. Н. Крюков, И. А. Кассирский каби мамлакатимиз гематология фанининг асосчилари ишладилар. Бугунги кунда биз улар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Узбекистонда гематология фани тараққиётига уларнинг шогирдлари — СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси Э. Отаҳонов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. Исмоилов, профессорлар Г. Сулаймонова, Г. С. Левин, В. Г. Михайлов, М. Маҳкамова, С. Нажмиддинов, А. Аброров ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар. Ўзбекистонда қон қуйиш хизмати ташкил этилганига 45 йил тўлди. 1930 йилда Тошкент Давлат медицина институтининг хирургия клиникаси қошида республикада биринчи бўлиб қон қуйиш кабинети барпо этилди. Бу кабинетнинг очилишида профессор Василий Кузьмич Ясевичнинг хизмати каттадир. Ўша кезларда биринчи донорлар медицина ходимлари ва уларнинг қавм-қариндошлари бўлиб, улар ўз қонлари билан ҳаётдан бевақт кўз юмаётган беморларнинг ҳаётларини сақлаб қолдилар.

Кейинги йилларда қон қуйиш бўйича катта қувватга эга бўлган станция ва бўлимларнинг тармоқлари вужудга келди. Эндиликда бундай муассасалар республикамизнинг ҳар бир шаҳар ва районида ишлаб турибди. Қон тайёрлаш 1960 йилга нисбатан саккиз баробар ортди. Ҳаёт манбаи — неча тоннолаб қон беморларга қуйилмоқда.

Қон ягона дори-дармон ҳисобланиб, врачлар уни синтетик жиҳатдан тайёрлашга ҳали улгурганларича йўқ. Қоннинг биринчи манбаи донор — инсондир. Инсонпарварлик ҳис-туйғулари тўлиб тошган донорлар ўзгалар ҳаётини сақлаш учун вақтиваҳти билан қон қуйиш станциялари ва бўлимларига бориб турадилар. Донорлик бу ҳақиқий қардошлик намунасидир. Донорлик байроғида шундай сўзлар кўзга ташланади: инсон инсонга дўст, ўртоқ ва биродар! Ҳозирги вақтда донорлик республикамизда оммавий тус олган. Ҳар куни ўн мингдан ажойиб сонли кишилари ўз қонларини топшириш учун Самарқанд, Андижон, Фарғона, Бухоро, Нукус ва бошқа шаҳарлардаги станция ва бўлимларга борадилар. Улар ўз инсонийлик бурчларини шараф билан бажарадилар. Улар орасида пенсионер, донор В. А. Алексеев ҳам бор. У 23 йил мобайнида 24 литр қон берди. Донор Дилором Жўрабоева Улуғ Ватан уруши йилларида кўплаб ярадорларга қон бериб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Бугунги кунда у военторгда хизмат қилмоқда.

Эндиликда медицинанинг бирор соҳаси йўқки, у ерда беморни даволаш учун донор қони керак бўлмаса. Айниқса, хирургияда қонга эҳтиёж кўпроқ сезилмоқда. Жумладан, юрак ва ўпка касалликларини операция қилишда донорнинг қони ниҳоятда зарурдир. Қарийб 20 процент қон инсон ҳаётини сақлаш учун сарфланади. Булардан ташқари ички касалликларни даволашда ҳам қон ҳаёт омили сифатида қўлланилмоқда.

Узбекистонда қон хизмати кўрсатиш маркази Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти ҳисобланади. Унинг составига республика қон қуйиш станцияси ва клиника шифохонаси ҳам киради. Институтимиз олимлари олиб бораётган тадқиқотлар ҳаёт билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг ҳаммаси амалиётда қўлланилиб келинмоқда. Институтнинг гематология, хирургия ва болалар клиникасида қон системаси бузилган оғир беморлар даволанишади. Медицина фанлари кандидати С. Баҳромов раҳбарлик қилаётган гематология клиникасида камдан-кам учрайдиган касаллик — гемоголобинопатия ўрганилмоқда. Хирургия клиникасида (мудири, медицина фанлари кандидати У. Олтибоев) ва болалар гематология клиникасида (мудири, медицина фанлари доктори А. Тўраев) ҳам муҳим мавзуларда тадқиқот ишлари ўтказилмоқда.

Институтимизда ишлаб чиқилаётган муҳим масалалардан бири — қон ўрнини боса оладиган дори-дармонлар яратиш муаммосидир. Профессор Г. С. Левин раҳбарлик қилаётган патофизиология лабораториясида ана шундай қон ўрнини босаоладиган дори-дармонлар яратиш устида изланиш ишлари олиб борилмоқда.

Яқин-яқинларгача қонни сақлаш муддати 30-40 кун билан кифояланарди. Эндиликда олимлар бу муддатни янада чўзиш мумкинлигини исботладилар. Шу мақсадда қон ниҳоятда паст ҳароратда музлатиб қўйилади. Бизнинг институтда бундан бир неча йил аввал қон ва суяк илигини узоқ муддат сақлаш бўлими, яъни банк бўлими ташкил этилган эди. Бу ердаги янги аппаратуралар ёрдамида космик ҳарорат — минус 196 даража мунтазам сақлаб турилади. Ана шундай «космик совуқ»да қон тўқималари ва суяк илигини бир неча йил мобайнида сақлаб туриш мумкин.

Бошқа касалликларни даволаш билан бир қаторда суяк илигини кўчириб ўтказиш бўйича ҳам операциялар олиб бориляпти. Бундай мураккаб операцияларни ўтказиш учун соғлом кишилардан — донорлардан олинган суяк илиги запасларига эга бўлиш керак. Бунинг учун суяк илигини узоқ сақлайдиган методни ишлаб чиқиш лозим. Бизнинг институтда профессор В. Г. Михайлов раҳбарлигида ультра паст ҳароратда суяк илигини музлатиш усуллари ишлаб чиқилмоқда ва клиникада суяк илигини кўчириб ўтказиш усуллари қўлланилмоқда.

Биохимия лабораториясида ҳам қизиқарли тадқиқотлар олиб бориляпти. Бу ерда профессор А. Аброров раҳбарлигида гематологик касалликларга чалинган беморларда модда алмашинуви, шунингдек, эритроцитларнинг биологик хусусиятлари ўрганилмоқда.

Энг муҳими, медик олимларимизнинг бутун диққат-эътибори дунёда энг кимматли капитал бўлмиш инсон сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган.

Ҳ. ҲАҚИМОВ,
Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг директори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби.

Республикамиз пойтахтида СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Бутуниттифоқ клиника ва экспериментал хирургия илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиали биноси фойдаланишга топширилди. Бу ўн қаватли тиббиёт қошонаси барча замонавий архитектура талаблари асосида бунёд этилди. Институтда даволаш кабинетлари ва лабораторияларни медицина аппаратуралари билан жиҳозлаш ишлари тугалланди. Бу ерда ичак-ошқозон, ўпка, туғма ва орттирилган юрак порок, жигар ва ўт йўллари касалликлари даволанади. Суратларда: (юқоридан пастга). 1. Саломатлик кошонасининг умумий кўриниши. 2. Илмий ходим В. К. Поповнина радиология лабораториясида «Ксенон-1» аппаратини жиҳозлаяпти. 3. Катта лаборант Н. Атясова биохимия лабораториясида аппаратларни кўздан кечираяпти. 4. Ҳамшира Л. Шишкина операция ҳонасида.

И. Глауберзон фотолари.

спорт

ЯГОНА ТЎП ҚИЙМАТИ

ФУТБОЛ. СССР олимпия терма командаси саралаш учрашувлари тугамай туриб, Монреалда бўлажак финал ўйинларига йўлланма олди. Футболчиларимиз Исландия терма командаси билан тақрорий ўйинда 1:0 ҳисобида устунликка эришдилар. Москвадаги В. И. Ленин номли марказий стадионда қўлга киритилган бу ғалабага пахтакорчиларда В. Фёдоров билан В. Хадзипанагис ҳам ҳисса қўшдилар. Командамизга ғалаба келтирган ягона тўпни дарвозага А. Минаев киритди (40-минут).

Киевлик динамочи Олег Блохин ҳам тўп киритишни ўрнига қўйди. Ана шу тўп туфайли ГФРнинг машҳур «Бавария» клуби футболчилари ўз майдонларида — Мюнхенда мағлубиятга учрашди.

ВАКИЛИМИЗ СОВРИНДОР

ЧАВАНДОЗЛИК. ГФРни Гамбург шаҳрида ўтказилган Европа биринчилиги мусобақалари совет суворийларининг ғалабаси билан ниҳоясига етди. СССР терма командаси составида республикамиз вакили, таниқли чавандоз Мамажон Исмоиловнинг шогирди В. Дворянинов ҳам бор эди. У командамиз ғалабасига муносиб ҳисса қўшди ва олтин медаль совриндори бўлиб қайтди.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

32, 33, 35, 39, 44, 46, 48, 53, 62, 66, 76, 77, 91, 96-АТС

АБОНЕНТЛАРИ

ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИ МУМКИН

Шаҳарларнинг номи	Код	Справка бюроси	Шаҳарларнинг номи	Код	Справка бюроси
Актюбинск	313	22121	Ленинобод	379	—
Олмаота	327	695122	Ленинград	812	—
Олмалиқ	2140	2222	Львов	032	623996
Ангрен	2130	2222	Минск	017	224394
Андижон	374	2222	Харьков	057	223222
Ашхобод	363	51534	Наманган	369	62222
Бекобод	2170	2222	Новосибирск	383	—
Белая Церковь (Киев)	04463	51299	Оржоникидзе	867	—
Бухоро	365	32222	Павлово (Горький)	83171	21209
Винница	043	22222	Павлодар (Қозоғистон)	318	30359
Владимир	092	6200	Переяслав-Хмельницкий (Киев)	04467	52370
Волгоград	844	330301 330302	Полесское (Киев)	04492	51352
Вологда	817	21723	Полтава	053	73051
Володарка (Киев)	04469	51300	Ростов	863	56609
Миллерово (Ростов)	86340	3509	Сальск (Ростов)	86347	20800
Москва	095	—	Самарқанд	366	32222
Горький	8312	337510	Саратов	845	25300
Грозний	871	34502	Свердловск	343	542299
Жамбул	326	30707	Семипалатинск	322	22121
Дзержинск (Горький)	83140	51124	Ставрополь	865	—
Днепропетровск	056	422290	Таганрог (Ростов)	86347	20800
Душанбе	377	34198	Тақлар (Олмаота)	32774	—
Иссиқ (Олмаота)	32775	2777	Толдиқўрғон	328	2121
Житомир	041	72222	Термиз	376	2222
Ивано-Франковск	034	43080	Тетиев (Киев)	04460	—
Қапчағай (Олмаота)	32772	21109	Ульяновск	842	40920
Қараганда	321	43636	Уральск	311	21068
Каменск (Ростов)	86346	—	Усть-Каменогорск	323	32121
Қизил Ўрда	324	66908	Фастов (Киев)	04465	53040
Киев	0442	249585	Фарғона	373	42222
Киров	833	24798	Фрунзе	331	54254
Кировоград	052	23480	Целиноград	317	22121
Кишинев	042	20811	Чебоксари	835	23374
Қўқон	360	2163	Челябинск	351	361631
Кокчетав	316	2121	Черкасск	047	71109
Краснодар	861	—	Чернигов	046	22139, 72139
Кстово (Горький)	83145	22463	Черновци	037	27408
Кустанай	314	23260	Чимкент	325	34645
			Янгийўл	2150	2222

Тошкентдан бошқа шаҳардаги абонентни чақириш учун шаҳардаги барча АТСлар абонентлари учун «8» рақамини (32 ва 39 АТС абонентларининг 325000—325999, 326000—326999 телефон номерларида «9» рақамини олиш, сўнгра шаҳар кодини ва чақирилаётган абонент телефонининг етти рақамли номерини териш зарур.

Агар чақирилаётган абонентнинг телефон номери етти рақамдан кам бўлса, етти рақамга етадиган қилиб ноллар терилади.

Горький ва Киев шаҳарлари, ҳамда коддан кейин абонент телефон номери териладиган ОЛМАОТА, ГОРЬКИЙ, КИЕВ, РОСТОВ ва ТОШКЕНТ областининг районлари бундан мустаснодир.

44, 46, 62, 66, 91, 96-АТС абонентлари чақирилаётган шаҳар абоненти номерини терганларидан сўнг дархол ўз телефон номерларини теришлари зарур. 30—40 секунд вақт ўтгач, уланиш рўй беради. Сиз «АБОНЕНТ БАНДМАС» деган сигнални (узун гудоклар) ёки «Абонент банд» деган сигнални (қисқа гудоклар) эшитасиз. Код ёки номер хато терилса, «НОМЕР НОТЎҒРИ ТЕРИЛДИ» деган механик товуш эшитилади. Унда номерни қайта териш лозим. Рақамлар узлуксиз терилиши, икки рақам орасидаги вақт 4 секундан ошмаслиги керак.

НОМЕР ТЕРИШДАН ОЛДИН УНИ ЕЗИБ ОЛИНГ!

СУЗЛАШИШ ВАҚТИ, ТЕЛЕФОНГА ЧАҚИРАЕТГАН ВА ЧАҚИРИЛАЕТГАН АБОНЕНТЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИ ОРҚАЛИ АВТОМАТИК СУРАТДА ҚАЙД ҚИЛИНАДИ.

АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ 39-14-48, 33-58-10 ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИ ОРҚАЛИ ОЛИШ МУМКИН.

Кредитга галлашганда ҳисобкитоб масалалари бўйича 44-32-34, ва 44-37-74 телефонлари бўйича телефон қилинг.

Тошкент шаҳрининг нормал олти рақамли телефон номерига эга бўлган абонентлари қандайдир сабабларга кўра, бошқа шаҳардаги ўзларига керак бўлган телефон номерини ололмасалар, ёки «Сизга телефонистка керак» деган механик товушни эшитсалар, буюртмалар хизмати телефонистасига «07» телефон орқали мурожаат қилишлари зарур.

Юқоридаги жадвалда курсатилган ҳамма шаҳарлар билан галлашиш учун ҳам «07» телефон номери бўйича заказ бериш мумкин.

«07» орқали қилинган буюртмаларни «05» индекси бўйича тўғрилаш зарур.

Квартирангиздаги телефонингиздан ҳақни счет бўйича хоҳлаган кирим кассасига тўлаш мумкин.

ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТИК ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲАҚНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТУЛАШИНГИЗНИ СУРАЙМИЗ. АКС ҲОЛДА ТЕЛЕФОНИНГИЗ УЗИБ ҚУЙИЛАДИ.

ЧАҚИРИЛАЕТГАН ШАҲАРДАГИ ТЕЛЕФОН НОМЕРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН ШАҲАР СПРАВКА БЮРОЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИНИ КЕЛТИРДИК (юқоридаги жадвалга қаранг).

ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТИК ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ ЕЗИЛГАН КИТОБЧАЛАРНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР-129, НАВОИЙ КУЧАСИ, 26-УЙДАН ОЛИШ МУМКИН.

Бу эълонни қирқиб олиб қўйинг!

Тошкент шаҳарлараро телефон станцияси

ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИНИНГ САВДО БОШҚАРМАСИГА

шаҳарларга бориб ишлаш учун омбор мудирлари, бухгалтерлар, иқтисодчилар, товаршунослар, ревизорлар, Самарқанд шаҳридаги 846-военторгга бош бухгалтер ўринбосари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Саперная кўчаси, 2-уй, кадрлар бўлими ва Самарқанд шаҳар, 846-военторг.

Ўзбекистон Театр жамияти ва Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театри коллективи Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Ғофуровга акаси

Аҳмаджон ҒОФУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитети маданият ходимларининг республика насаба союз комитети, Тошкент шаҳридаги босмаханалар ва китоб нашриётлари коллективлари 5-босмахананинг собиқ директори, 1927 йилдан буён КПСС аъзоси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Абдукарим

МАЖИДХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана. Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. — 14181.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64583

Б. — 213

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

А 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

1 (16.264) • 3 август 1975 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин

1975 БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Сирдарё область, Оқ олтин районидаги Усмон Юсупов номли 10-совхозда ғўзаларни чеканка қилиш қизғин олиб борилмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) тўртинчи бўлим агрономи Т. Мирзаев ва механизатор Н. Муродов ғўзаларни нўздан нечирмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ИЛҒОРЛАР ТАШАББУСИГА КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятларни олган ишлаб чиқариш илғорларининг таклифи тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда таъкидлаб ўтилганидек, Марғилон ипак комбинатининг тўқувчиси О. Абдураҳмонова, «Ташсельмаш» заводининг йўнувчи токари Б. В. Ефремов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Д. Қулматова, Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводининг оператори А. Валиев КПСС XXV съездини муносиб кутиб олишга интилиб, беш йилликнинг якунловчи йили натижаларини, 1976 йил биринчи квартали топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлар олдилар ва республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни меҳнатда энг юксак муваффақиятлари тўғрисида съездга рапорт бериш ҳуқуқини олиш учун мусобақани кенг авж олдиришга даъват этдилар. Ватанпарварларнинг ана шу ҳаракати юксак онглилик, партия ва халқ олдидаги, социалистик Ватанимиз олдидаги ўз бурчини чуқур англаганлиги акс эттирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети О. Абдураҳмонова, Б. Ефремов, Д. Қулматова, А. Валиевнинг республикадаги барча меҳнаткашларга мактубини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область, шаҳар, туман партия комитетларига, Ўзбекистон касаба союзлари республика кенгашига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига ана шу қимматли ташаббусни кенг ёйиш мажбуриятини юклади. Барча бошланғич партия ташкилотларида, коллективларда бу мактубни муҳокама қилиш уюштирилсин, меҳнатда энг юксак муваффақиятлари қўлга киритишга қаратилган оммавий ватанпарварлик ҳаракатининг аҳамияти ҳар бир меҳнатчига маълум қилинсин. 1976 йил январь—февраль ойларидаги иш якунларига қараб, меҳнат зафарлари тўғрисида КПСС XXV съездига рапорт бериш ҳуқуқини олган ғолиблар белгилаб чиқилсин.

Партия комитетларига, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, корхона ва ташкилотларининг раҳбарларига меҳнатдаги энг юксак муваффақиятлар учун мусобақа илғорларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш системасини такомиллаштириш ва бу системани ғоят самарали қўлланиш тадбирларини кўриш топширилди.

Республика газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетига ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббусини актив ва амалий пропаганда қилишни уюштириш, съезд олди социалистик мусобақасининг боришини ёрқин ва чуқур кўрсатиб бериш, мусобақа илғорларининг тажрибасини тўлиқ ёритиш, жамоатчиликнинг доимий эътиборини мусобақага жалб этиш, оммани КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун курашга сафарбар қилишда партия ташкилотларига актив ёрдам бериш топширилди.

О. АБДУРАҲМОНОВА.

Б. ЕФРЕМОВ.

Д. ҚУЛМАТОВА.

А. ВАЛИЕВ.

КПСС XXV СЪЕЗДИНИ ШАХСИЙ МЕҲНАТ РЕКОРДЛАРИ БИЛАН НИШОНЛАЙМИЗ

Ойша Абдураҳмонова, Борис Ефремов, Дилбар Қулматова, Авазжон Валиев республиканинг барча меҳнаткашларини меҳнатда энг катта ютуқларга эришганлиги тўғрисида ўтгиз съездига юборилиадиган рапортларга ўз имзосини чекиш ҳуқуқига эга бўлиш учун мусобақани авж олдиришга чақирадилар.

Азиз ўртоқлар!

Ўқиғизничи беш йилликнинг сўнгги, якунловчи йили бизни тарихий воқеага — жонажон Коммунистик партиянинг XXV съездига олиб келади. Съезд ўз ишини бошлайдиган 24 февралгача атиги етти ой қолди. Бизнинчи беш йиллик мамлакатимизга, халқимизга тузумимизни, жамиятимизни мустаҳкамлаган анчагина жуда катта ютуқлар берди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар, Подмосковье сайлов округи сайловчиларининг сайловдаги ишончини ниҳоятда ҳурмат билан, бундай деган эди: «Саноатимиз ўсишининг миқёсларини, унинг динамизми шундан яққол кўринибдики, тўқиз йилик беш йилликнинг тўрт йили мобайнида мамлакатимизда саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми учдан бир ҳиссадан зиёд кўпайди. Шу билан бирга, саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг асосий манбаи — ишлаб чиқаришнинг юқорилигидир. Бу ҳам айтиш керакки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг миллий даромадининг энг муҳим умумлашма кўрсаткичидир. Ўтган шу йиллар давомида 26 процент ўсди. Барча иттифоқдош республикаларимиз олга ҳаракат қилдилар ва тез бораётганлигининг ўзи принципиал аҳамиятга эга. Уларнинг аҳли меҳнати, мустаҳкам ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши XXIV съезд ўртага қўйган вазифаларнинг ҳал этилишини пухта равишда таъминлайди».

Бугунги ишчи, колхозчи, зиёли ўз меҳнатига шунчаки онгли ва ташаббус билан муносабатда бўлишгина қолмай, у бирмунча кенг фаолиятлар билан — ўз корхонаси, райони, ҳатто, республикаси, бутун Ватан манфаатлари билан ишамоқда. Биз тўқиз йилликда астойдил меҳнат қилдик. КПСС Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш ва беш йилликни муносиб қабул қилиш тўғрисида партия, совет халқига Ватан Мурожаати ишлаб чиқариш коллективларида кенг қўллаб-қувватланди. Меҳнат коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг эллигинчи йиллиги шарафига, Совет Иттифоқи гитлерчилар Германияси устидан қозонган буюк ғалабанинг ўттиз йиллиги шарафига мусобақанинг ўзларининг юксак мажбуриятларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажардилар. 1975 йилда пландан ташқари 0.5 миллиард сўмлик маҳсулот реализация қилишдан иборат Ўзбекистон саноати меҳнатчиларининг ғоят муҳим мажбурияти ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Бу эса бизни ишонтиради, янги зафарларга илҳомлантиради.

Республикамизнинг кўпгина ишчилари иккинчи беш йиллик топшириқларини бажарганликлари тўғрисида ҳозирдаёқ рапорт бердилар ёки яқин вақт ичида рапорт берадилар. Наманганлик йигирувчи Дилора Тошпўлатова, тошкентлик тўқувчи Вера Солдатова, андижонлик тикувчи Санобар Мўйдинова, чирчиқлик токарь Валентин Мамаев, тошкентлик пойафзалчи Саид Раҳимов, «Ташсельмаш» заводининг слесари Маҳмуд Мўйдинов, бекободлик шофер Ҳабибулла Абдужабборов, ангренлик бригадир Дмитрий Зазулин, «Главташкентстрой»га қарашли «Висотстрой» трестининг бригадири Муҳтор Ҳабибуллаевнинг номларини Ўзбекистондагина эмас, унинг доирасидан ташқарида ҳам билишади. Ўлар иккинчи шахсий беш йиллик топшириғини бажаришга сўз берганлар ва ўз ваъдаларига астойдил вафо қилмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган «тўқиз йиллик ташаббуси» кўплаб издошларни юзага чиқарди. Минглаб меҳнатчилар, юзлаб цехлар, участкалар ҳозирнинг ўзидаёқ ўнинчи беш йиллик ҳисобига ишламоқдалар. Энг яхшиларнинг илҳомбахш меҳнати ғоят катта иқтисодий самара бермоқда: меҳнат илғорларининг маънавий таъсири ҳам ғоят қимматлидир.

Шу кунларда ҳаммамиз КПССнинг бўлажак XXV съезди тўғрисида, съездни қандай кутиб олиш ҳақида, уни нималар билан нишонлаш тўғрисида ўйламоқдамиз, бунга жавоб битта: биз съездни зардоб меҳнат билан кутиб оламиз, барча ходимлар, бригадалар, участкалар, цехлар, корхоналар тўқиз йиллик ва беш йилликнинг якунловчи йили планларини, ўз социалистик мажбуриятларини бажаришларига, ўнинчи беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ муваффақиятли ишлаш учун мустаҳкам негиз яратишларига эришишга ҳаракат қиламиз. Совет кишиларининг ўз мамлакати ҳаётидаги шонли воқеаларни меҳнат ғалабалари билан кутиб олишдан иборат яхши одати бор. Ҳозир ҳар бир киши ўзининг шахсий маррасини белгилаб олсин, шахсий рекорд қўйишга эришсин, эртага эса кундалик нормага айлантирсин. Ҳар бир киши кўпроқ, яхшироқ, тежамлироқ ишлаши муҳимдир. Ўзимизнинг энг яхши ютуқларимиз тўғрисида, коллективларимизнинг меҳнат ғалабалари ҳақида партия съездига ифтихор билан рапорт берамиз!

Биз замонамизнинг энг муҳим воқеаси — КПСС XXV съезди шарафига ўз зиммамизга конкрет шахсий социалистик мажбуриятлар оламиз. Мана шу мажбуриятлар:

Мен, Марғилон шойи комбинатининг тўқувчиси, КПСС аъзоси, Ойша Абдураҳмонова 1975 йил 4 мартида икки беш йиллик планни бажардим. Йил охиригача яна 22 минг метр ёки бир йиллик программадан кўпроқ шойи газлама ишлаб чиқариш, съезд очиладиган кунгача 1976 йил биринчи квартал планини бажариш, планда белгиланган 80 процент ўрнига маҳсулотнинг 95 процентини биринчи сортга топшириш, икки нафар шогирд тайёрлаш мажбуриятини оламан.

Мен, «Ташсельмаш» заводининг йўнувчи токари, КПСС аъзоси Борис Ефремов икки беш йиллик программани май ойидаёқ бажариб қўйганман. Йилнинг қолган етти ойи мобайнида яна бир йиллик топшириқни бажариш, 24 февралгача бир ярим йиллик топшириқни, шу жумладан, съезд очиладиган кунгача 1976 йилнинг биринчи квартал планини адо этиш юзасидан ўз зиммамга съезд олди мажбуриятини олдим.

Мен, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, КПСС аъзоси Дилбар Қулматова Буюк Ғалабанинг ўттиз йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, дастлабки жиддий ютуқларга эришдим. Мен жонажон партиямиз съездини муносиб кутиб олишга интилиб, июль ойида нормадаги 26 ўрнига 48 станокка хизмат қилишга ўтдим. Мен беш йиллигимиз якунловчи йили топшириғини 19 сентябрда, 1976 йил биринчи квартал планини 15 февралгача бажариш, квартал топшириғидан ташқари ўн минг метр сурп газлама ишлаб чиқариш, бутун маҳсулотни нуқул биринчи сортга топшириш мажбуриятини олдим.

Мен, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида парафин ишлаб чиқариш қурилмасининг оператори, КПСС аъзоси Авазжон Валиев 1975 йил планини 26 декабргача, икки йиллик программани эса съезд очиладиган кунгача бажариб, топшириқдан ташқари минг тонна парафин ишлаб чиқариш ва 1976 йил 24 февралда тежаб қолинган хом ашё, реагент ва энергия ҳисобига ишлаш юзасидан ҳамкасб операторлар билан бирга мажбурият олдим.

Биз ишчиларни, зиёлиларни, республикадаги барча меҳнатчиларни партия съездини муносиб кутиб олиш учун, ана шу мусобақа жараёнида қўйилган шахсий рекордлар кейинчалик кундалик норма бўлиб қолиши учун, биринчи квартал шахсий ишлаб чиқариш программаларини съезд очиладиган кунгача бажариб, коммунистларнинг анжуманига рапорт бериш ҳуқуқига сазовор бўлиш учун мусобақага фаол, ғайрат билан қўшилишга чақирамиз. Бу — умумхалқ ҳаракатига айлансин. Ҳар бир кишининг ўз резервлари бор. Ана шу резервларни муштарак ишга, мамлакатга хизмат қилдириш — бизнинг муқаддас вазифамиздир.

О. АБДУРАҲМОНОВА — Марғилон шойи комбинатининг тўқувчиси,

Б. ЕФРЕМОВ — «Ташсельмаш» заводининг йўнувчи токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони,

Д. ҚУЛМАТОВА — Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси,

А. ВАЛИЕВ — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг оператори.

Л. И. БРЕЖНЕВ

Буюк Британия бош министри билан учрашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 1 августда «Финляндия» саройида Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон билан учрашди. Бу учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Буюк Британия ташқи ишлар министри Д. Каллаган қатнашдилар.

Ишчанлик ва конструктив вазиятда ўтган суҳбат вақтида Хельсинкидаги кенгаш муваффақиятли тугалланганлигидан мамнунлик изҳор қилинди. Бу кенгаш турли иқтисодий тузумдаги давлатлар ўртасида тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдеворини қуриш керак. Л. И. Брежнев билан Г. Вильсон Совет Иттифоқи ва Буюк Британия Европада ижобий тенденцияларни янада ривожлантириш учун ёрдам беришга қатъий бел боғлаганликларини таъкидладилар.

Совет — Англия муносабатларига доир масалалар юзасидан фикрлашиб олиш вақтида бу муносабатлар хусусан Москвада февраль ойида олий даражада ўтказилган музокаралардан кейин сиёсий, савдо-иқтисодий соҳаларда ва бошқа соҳаларда кўзгилдагидек ривожланиб бораётганлиги қайд қилинди. Томонлар Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлидан боришга қатъий аҳд қилганликлари изҳор этилди.

Учрашувда: совет томонидан — СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, Англия томонидан — Бош министр кабинетининг секретари Д. Хант, Бош министр секретари К. Шоу, ташқи ишлар министри ўринбосарининг ўринбосари О. Райт ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ

АҚШ Президенти Ж. Форд билан учрашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан АҚШ президенти Ж. Форд 2 август куни Хельсинкида учрашдилар. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан АҚШ президенти Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш якунларига юксак баҳо бердилар. Кенгаш қатнашчиларининг коллектив сиёсий иродаси мужассамлашган кенгашнинг якунловчи акти Европани тинчлик ва самарали ҳамкорлик қитъасига айлантириш учун яхши негиз яратиб бериши, халқаро хавфсизлик ва яллиг тинчликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиши таъкидлаб ўтилди.

Томонлар Совет—Америка муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашишни давом эттирдилар. Бунда стратегик қуролярогларни чеклаш масалаларига катта эътибор берилди. Суҳбат чоғида келишиб олинган масалалар тегишли суратда расмийлаштириш учун Женевадаги делегацияларга топширилади. Қолган масалалар юзасидан музокаралар давом эттирилади.

Л. И. Брежнев билан Ж. Форд бўлиб ўтган фикрлашувдан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Фикрлашув дўстона ва конструктив характерда бўлиб, Совет Иттифоқи билан АҚШ раҳбарлари ўртасидаги шахсий алоқаларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна тасдиқлади.

Суҳбатда Совет томонидан — Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда СССР делегациясининг аъзоси К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССР ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко; Америка томонидан — АҚШнинг СССРдаги элчиси У. Стессел, Оқ уйнинг маслаҳатчиси Б. Скаукрофт, АҚШ давлат департаментининг маслаҳатчиси Х. Сонненфелдт, бошқа расмий кишилар ҳам иштирок этдилар.

(ТАСС).

МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК УЧУН

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг муваффақиятли тугалланганлигини зўр қувонч билан кутиб олдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу кенгашда сўзлаган нутқида баён этилган фикрларни тўла ва батамом маъқулламоқдалар.

Европадаги 33 давлат, АҚШ ва Канаданинг Хельсинкидаги кенгаши осмонимиз мусаффо ва ёқимлироқ бўлган тарихий даврда ўтди. Ана шу кенгашни чақириш фактининг ўзи Совет Иттифоқи тинчликсевар ташқи сиёсатининг, КПСС XXIV съезди белгилаб берган Тинчлик программасининг зўр муваффақиятидан далолат беради.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежнев кенгашда сўзлаган ёрқин нутқининг бутун аҳамиятини ифодалаш учун сўз топиш қийин. Ана шу чинакам тарихий нутқда ҳозирги босқичдаги сиёсати аниқ-равшан ифодаланибгина қолмай, шу билан бирга Европа қитъасида, Осиё ва Африкада, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам кураш олиб бориш ҳақидаги даъват баён қилинган. Бу нутқ тинчлик учун, бутун ер юзи халқларининг ҳамкорлиги учун курашда планетамизнинг ҳамма жойларидаги миллион-миллион кишиларга шубҳасиз янги кучғайрат бағишлайверади.

Комил ЯШИН,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси.

МУНОСИБ ТУҲФАЛАР БИЛАН

Союзлар уйининг Колонна залида 1 август куни Москва ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш КПСС XXV съезди шарафига меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришиш учун бошланган социалистик мусобақани кучайтириш юзасидан пойтахт корхоналари ва ташкилотлари ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббусига бағишланди.

Сўзга чиққан нотиқлар Москва меҳнаткашларининг КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш йўлидаги интилиши тўғрисида гапирдилар. Масалан, Ф. номли ип газлама фабрикасининг тўқувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. С. Иванова партия съездига тайёргарлик рида энг юксак меҳнат ютуқлари билан ишлашга 7 грамм калава ипни тежаб қолдирганлиги ва, КПСС съезди очилган кунгача тежаб қолинган материал, хом-ашё, энергия ресурслари ҳисобига ишлаб одатдаги ишлаб чиқаришга қараганда 100 метр кўп газлама ишлаб чиқаришга қарор қилганлиги ва СССР 50 йиллиги номли автомат линиялари заводининг созловчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. А. Беспалов ишлаб чиқариш меҳнат методларини ўзлаштириш, иш вақтидан ўринли фойдаланиш, ходимлар малакасини ошириш ҳисобига кундалик топшириқларнинг 160 процент бажарилишини таъминлаш, жамики маҳсулотни биринчи бор тақдим этилгандаёқ топшириш ва фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш, партия съезди очиладиган кунгача пландан ташқари 6 станокни қайтадан ишга тушириш мажбуриятини олди. «Қаучук» заводининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. В. Пономарев катта мажбурият қабул қилди. У шу йилги планни 1 сентябргача бажариб бўлишни белгилади.

КПСС XXV съезди шарафига юксак меҳнат кўрсаткичларига эришиш учун бошланган социалистик мусобақа ташаббускорлари сафидаги бошқа ишлаб чиқариш илғорлари ҳам янги марраларни белгилаб олдилар.

Нотиқлар КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланиб Хельсинкида ўтказилган кенгашда сўзлаган чуқур мазмунли нутки барча совет кишиларининг ижодий куч-ғайратларини янада жўш урдириб юборганлигини таъкидладилар.

Москванинг барча меҳнаткашлари ва меҳнат коллективларига якдиллик билан мурожаат қабул қилинди. Мурожаатда КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани янада авж олдиришга, москвичларнинг беш йилликни 1 декабрда тугаллаш тўғрисидаги асосий мажбуриятини муваффақиятли бажаришга даъват этилган.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НУКУС, 2 август. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Қорақалпоғистон область партия комитетининг пленуми бўлди. Беш йилликнинг якунловчи йили халқ хўжалик плани бажарилишининг бориши ва КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари К. Камоловнинг доклади муҳокама қилинди.

Пленум колхоз ва совхозларда хутор системасини тугатиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида Амударё, Кегайли ва Шуманай район партия комитетларининг ҳисоботларини ҳам кўриб чиқди. (ЎзТАГ).

Бугун — Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни

МАНЗИЛИНГИЗ ЯҚИН БЎЛСИН, ДЕБ

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ БОШЛИҒИ ЎРИНБОСАРИ ЎЛМАС АБДУЛЛАЕВ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Қутлуғ кунга тўёна билан келиш одат бўлиб қолди. Ўрта Осиё темир йўли коллективлари ҳам байрамларига муносиб совға тайёрлашди. Юк ташиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни камайтириш ва бошқа бир қанча муҳим кўрсаткичлар бўйича беш йиллик план топшириқларини тўрт йилдаёқ уддалаб, ўнинчи беш йиллик меҳнат календарини очдилар. Юк обороти 17 ўрнига 28 баравар ортди. Қўшимча 9 миллион тонна халқ хўжалик юклари тегишли манзилларга барвақт етказиб берилди. Пассажир ташиш 17 процент кўпайди.

Транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш темирйўлчиларнинг доимий диққат марказида бўлди. Тепловозларнинг суткалик ўртача меҳнат унумдорлиги 12, вагонларники 4 процент ошди. Ҳар бир юк поезднинг оғирлиги ўртача 160 тоннага кўпайиб, вагонлар оборотн қарийб тўрт соатга тезлашди. Юк ташиш билан банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг меҳнат унумдорлиги ўтган тўрт йил ичида 17 процентга ўсди ва юк ташиш таннархи 6 процент камайди.

Ютуқлар темирйўлчиларга катта обрў ва ҳурмат-эътибор келтирди. Беш йиллик бошидан буён Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида 13 марта ғолиб чиқдилар. СССРнинг 50 йиллик юбилейи шарафига бошланган мусобақада коллективимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПснинг фахрий нишони билан, ҳал қилувчи ва белгиловчи йилларда қўлга киритилган ютуқлар учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЛКСМ Марказий Комитети ва ВЦСПснинг совғаси байроғи билан мукофотланди. Узоқ йиллар қилган самарали меҳнат фаолияти учун темирйўлчиларнинг саккизтасига социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 15 мингдан ортиқроғига орден ва медаллари, мингдан зиёдроғига эса, «Темир йўл аълочиси» значоклари берилди.

Бешинчи беш йилликнинг биринчи йили етти йилик топшириқлари ҳам ошириб бажарилди. Планга қўшимча кўплаб юк ташилди, белгиланганига қараганда бир неча миллион тонна зиёд даромад олинди.

Бу ютуқларнинг мустаҳкам асоси бор. Темирйўл коллективларининг ўз вазифаларини сидқидилдан бажараётгани, эксплуатация ишлари такомиллаштирилгани, мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланиш ва бошқалар шу ишларнинг натижасидир. Вагонларнинг манзилларидан бўш қайтишига барҳам берилди. Турли жараёнларни бажаришда автомашина мосламалар жорий этилди. Поездларнинг ҳаракат тезлиги ортди.

Темир йўлнинг халқ хўжалик юкларини ташишдаги салмоғи катта. Бу масъулиятни яхши тушунган темир йўл коллективлари съезд олди йилнинг юксак кўтаринкилик билан бошлашди. Социалистик мусобақа кун сайин оммалашиб борди. Коллективлар, минглаб темир йўлчилар коммунистик меҳнат коллективи ва коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун ҳаракат бошладилар. Айниқса, Қўқон локомотив депоси, Бухоро-1, Шумилов станциялари, Тошкент йўл дистанцияси ва Тошкент товар станцияси коллективларининг яхши ишлаганликларини таъкидлаш керак. Тошкент бўлинмаси навбатчиси Абдурашид Абдуқодиров, Ховос бўлинмаси диспетчери Абдулла Хўрозов, Қарши ва Бухоро депоси машинистлари Жўра Ҳусанов, Василий Плеханов, Самарқанд вагон депосининг назоратчиси Қамар Жабборов, Тошкент локомотив депоси тайёрлов цехининг бригадири Нина Баюкина, Андижон йўл дистанциясининг бригадири Юнус Маннёзов ва яна кўплаб бошқаларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Партия ва ҳукуматимиз кейинги беш йилликда янги темир йўл линиялари қурилишига катта эътибор берди. Бу ишга кўп маблағ сарфланмоқда. Яқингача Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбида асосий транспорт воситаси — бир изли Самарқанд — Когон — Қарши темир йўл линияси эди. Кўп ўтмай Самарқанд — Қарши ўртасида 130 километрли иккинчи темир йўл линияси қурилиши бунёд топди. Бу иш халқ хўжалик юкларини ташишда йилига кетадиган сарф-харажатни ўрта ҳисобда бир миллион сўмга камайтирди. Қарши чўлини ўзлаштиришга зарур имконият яратилди. КПСС XXIV съезди Директивалари объекти — 264 километрлик Термиз — Ёвон темир йўли қурилиши жадал давом этмоқда. Унинг 215 километрлик қисми — Термиз — Қўрғонтепа линияси эса муддатидан илгари ишга туширилди. Бу йўлнинг ишга тушиши қардош Тожикистоннинг Вахш водийсида ва республикамизнинг жанубий районларида саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга имкон яратди.

Зафарларга тўлиб тугаб бораётган тўққизинчи беш йилликда қилинган улкан ишларимиздан яна бири бу — 400 километрлик Қўнғирот — Бейиов темир йўл линиясидир. Линия Ўрта Осиёни мамлакатимизнинг Европа қисми ва Кавказ билан боғлайдиган янги темир йўл қурилиши бўлди. Эски йўлга нисбатан 1000 километрга қисқадир. Чоржўй — Қўнғирот ўртасидаги йўлни реконструкция қилиш ҳам катта самаралар беряпти. Янги-янги станциялар ва разъездлар қурилмоқда. Ораликдаги жўнатиш йўллари узайтирилмоқда. Марказлашган диспетчерлик ўрнатилмоқда. Темирйўлчиларнинг уй-жой шароитлари яхшиланаётир.

Тахиатош гидроузели тўғони орқали Амударёнинг ўнг соҳили, Қорақалпоғистон АССРнинг пойтахти — Нукуси мамлакатнинг темир йўл тармоғига туташтирилиши ўтган белгиловчи йилда эришилган ютуқларнинг энг салмоғлиси бўлди дейиш мумкин.



Ўрта Осиё темир йўлини тепловозлаштириш ишлари ҳам аллақачон ниҳоясига етди. Тошкент темир йўл узелини электр поездларига ўтказиш жадал давом этмоқда. Тошкент — Хўжакент, Тошкент — Сирдарё оралиқларида ихтисослаштирилган тезюрар электр поездлари қатнаб турибди. Эндиликда бу линияда йўловчиларнинг поездда юриш вақти анча қисқарди.

Кейинги вақтда деполарда ремонт ишлари тўла механизациялаштирилди. Мавжуд деполарнинг ўзида бир йилда беш йилликнинг дастлабки йилидагига нисбатан 2,3-3 мингта кўп вагон ремонт қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган Қораденгиз пароходчилиги, Одесса — Кишинёв темир йўли ва Одесса юк автомобиль транспорти область ишлаб чиқариш бошқармаси коллективларининг 1975 йил социалистик мажбуриятлари юзасидан қабул қилган ҳамкорликдаги ташаббуси биз темир йўлчиларни ҳам янги марраларга чорлади. Бу борада Термиз, Бухоро-1 темирйўл станциялари, область автомобиль трестлари, Термиз, Питнак, Шарловқ пристаналари коллективларининг ишлари диққатга сазовордир. Улар меҳнат ҳамкорлигини мустаҳкамлаб темир йўл, автомобиль ва дарё порти ишини координациялашни янада яхшилаш негизида халқ хўжалигининг юк ташиш соҳасидаги эҳтиёжларини тўлроқ қондирмоқдалар.

Беш йилликнинг якунловчи йилида бутун мамлакатимиздаги темир йўлчилар сингари Ўрта Осиё темир йўли коллективлари олдида ҳам катта вазифалар турибди. Ҳамма ёқда партиямиз XXV съездини янги зафарлар билан кутиб олиш ҳаракати кучаймоқда. Биз бу ҳаракатда фаол қатнашмоқдамиз.

Шу кунларда республикамизнинг беполён далаларида ҳосил йиғим-терими бошланди. Шаҳар ва қишлоқларда ёқилғини ғамлашга киришилди. Энди пассажирлар ташиш ҳам янада кўпаяди. Планлаштириш ва ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтган Ўрта Осиё темир йўли коллективлари бу вазифаларни ҳам муваффақиятли бажариш ҳаракатидалар.

Суратда: Тошкент тепловоз депосининг темирйўлчиларидан (чапдан ўнгга) О. Малғабаев, Х. Маллабоев ва Қ. Йўлдошев ўртоқлар. Пешқадам темир йўлчилар ўз байрамларини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар.

И. Глауберзон фотолари.

БУ ЕРДА БОШ КОНСТР... ЯШАГАН ВА ИШЛА...

АКАДЕМИК С. П. КОРОЛЕВ УЙ-МУЗЕЙИ

1 август куни амалий космонавтика асосчиси Сергей Павлович Королев яшаган олтинчи Останкино тор кўчасидаги 2/28 уйда ёдгорлик уй-музейи очилди.

Бу ерда К. Э. Циолковский асарларининг, ўзининг буюк устози ғояларини рўёбга чиқарган, унинг издоши С. П. Королевнинг ишлари жаҳон аҳамиятига эга эканлигини яна бир бор баҳолаш имконини берувчи материаллар ва ҳужжатлар тўпланган.

Коммунист, академик Королевнинг конструкторлик таланти, куч-ғайрати совет халқи фаолиятида ўчмас из қолдирди. Митингни очган Москва Совети ижроия комитетининг секретари Н. Я. Сичев, СССР Фанлар академияси президенти вазифасини ижро этувчи В. А. Котельников, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, яқиндагина мув... галланган «Сок... лон» программаси... ри К. Д. Бушуев, ... монавт - учувчиси... фанлари доктори ... ев, Бауман номли ... ли ва Меҳнат Қизил ба... денли Москва олий те... лим юртининг проректо... Колесников ана шу ... пирдилар.

Митингда пойтахт ко... моатчилигининг намоё... академиклардан М. В. ... В. Н. Петров, В. П. ... бошқа олимлар, С. П. ... нинг ота-оналари ва яқ... лари ҳозир бўлдилар.

Уй-музейга бош кон... нинг юрти бўлмиш ... меҳнаткашлари томони... ғалар топширилди.

Мо...

(ТАСС му...

Совет лар мамлакатида

20-МИНГИНЧИ КОМБАЙН

Ленин орденли «Гомсельмаш» заводининг конвейеридан 20-мингинчи «Вихрь» номли силос ўрувчи комбайн туширилди. Ана шундай машиналарни серияли ишлаб чиқариш бундан икки йил олдин йўлга қўйилган эди. Бу машиналар дала меҳнаткашларининг оғирини енгил қилмоқда.

Белоруссиялик комбайнсозлар «Вихрь» машинасини ишлаб чиқариш суръатини оширмоқдалар. Келаси йили завод ҳозиргидан икки баравар кўп, 22 мингдан зиёд силос ўрадиган комбайнни етказиб беради.

МЕТАЛЛУРГЛАРГА СТАНОКЛАР

Киров номли Тбилиси станоксозлик заводи буюртмачиларга труба кесувчи станокларнинг дастлабки туркумини жўнатди. Нижний Тагил, Челябинск, Жданов ва Рустави шаҳарларидаги металлургия корхоналари янги станокларни қабул қилиб олди.

Тўққизинчи беш йилликда мазкур корхонада 40 хил станок ва бешта автомат линияни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

ЗАВОДДА УЛКАН БАТАРЕЯ

Донецкдаги СССР 50 йиллиги номли Авдеев кокс-химия заводида йилига бир миллион тонна кокс ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган кокс батарея деворига ғишт териб бўлинди. Бу батарея мамлакатда энг йирик ҳисобланади. Ишчилар ярим йил ўрнига беш ой ичида улкан батарея деворига ўтга чидамли ва ғоят пишиқ 21 минг тонна ғишт териб чиқдилар.

Батареядаги 65 печнинг ҳар бири ҳажми жиҳатидан мавжуд ишлаб турган печлардан чорак баравар катта. Бу эса меҳнат унумдорлигини оширишга имконият беради.

Донецклик қурувчилар ва монтажчилар КПСС XXV съездига шарафига ўзаро мусобақалашиб, объектни муддатидан илгари — Улуғ Октябрнинг 58 йиллигига топшириш мажбуриятини олдилар.

УЙ-ЖОЙЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ

ДАВР ТАЛАБИ

Кейинги йилларда шаҳарларимиз ўсди, обод бўлди. Айниқса, Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгарди. У қурилиш ишларининг катта лабораторияси, совет воқелигининг ёрқин намунаси бўлиб қолди.

Типовой ва экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти коллективи ҳам Тошкент эгизиласидан кейин шаҳарни тиклаш ва қайта қуришдан иборат умумхалқ ишига ўзининг маълум ҳиссасини қўшди. Республика ва зонадаги уй-жой ва жамоат биноларининг кўпчиликги, Тошкентдаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Санъат музейи ва бошқа бинолар, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги баланд меҳмонхоналар ва бошқа бинолар коллективизмнинг типовой ва якка тартибдаги лойиҳалари билан барпо этилди. Давлат банки биноси, «Ленинград» меҳмонхонаси қурилмоқда. Тошкент метросининг «Октябрь революцияси» станцияси лойиҳаси муддатидан илгари битказиб берилди.

«Главташкентстрой» ташкилотлари Тошкент типовой ва экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти белгилаб берган илмий режалар ва лойиҳалар билан деворлари ғиштин, қучли йиғма темир-бетон ўзаклар билан кўтариладиган бир қанча уй-жой биноларини қурилишини чиқоясига етказдилар. Бу эса, ғишт териш ишларида меҳнат унумдорлигини анча оширди, ана шу объектларнинг қурилиш муддатларини қисқартирди.

Томга ёпиладиган норулон материалларнинг янги конструкциялари ишлаб чиқилди. Бу конструкциялар яқин келажакда тол, рубероид, пергамин ва шу каби томга ёпиладиган юмшоқ материалларнинг ўрнини эгаллайди.

Институтда квартиралар учун музлатгич машинаси бўлмаган, тузилиши ва фойдаланилиши жиҳатидан жўн «Тошкент» ички конденционерининг экспериментал намунаси яратилганлиги узоқ йиллар давомида олиб борилган изланишлар самараси бўлди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, у ҳозирги вақтда саноатда ишлаб чиқарилаётган музлатиш машиналаридан икки баравар арзонга тушади.

Ана шу ва бошқа бир қанча экспериментал режалар фойдаланиш жараёнида текшириб кўриляпти ва улар Ўрта Осиёда қурилиладиган типовой ва серияли биноларнинг режалари сифатида тасдиқланади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда йирик панелли қурилиш билан боғлиқ бўлган ва ҳали ҳал этилмаган бир қанча масалалар бор. Жумладан, йирик панелли тўққиз қаватли уйларнинг типовой лойиҳалари яратилгани йўқ, уларни қуриш эса ҳамон эски лойиҳа бўйича олиб бориляпти. Институтимиз сўнгги икки йил мобайнида шу масала билан шуғулланди ва йирик панелли тўққиз қаватли уйларнинг техникавий лойиҳасини ишлаб чиқди.

Тошкентнинг шаҳар қурилиши практикасида йирик панелли уйларнинг биринчи қаватларига жамоат ёки савдо аҳамиятига эга бўлган биноларни жойлаштириш вазифаси ҳамон ҳал этилган эмас. Илмий ва лойиҳа режалари ТашНИИЭП коллективига пастки қавати, ихчам бўлган олти секцияли йирик панелли уй-жой биносининг экспериментал лойиҳасини яратиш имконини берди. Бир иншоот доирасида конструктив системалари принцип жиҳатдан турлича бўлган икки система пайдо бўлди. Юқори қаватлари панелдан ва қуйи қаватлари каркасдан иборат системалар ана шулардир.

Маҳаллий иқлим ва анъана шароитларига мос бўлиб тушадиган уй-жой ва жамоат биноларининг анча прогрессив гипларини яратиш институтимиз коллективи учун ҳозирги вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг пойтахтимизни комплекс қуриш ва ободонлаштириш суръатларини янада ошириш ва сифат даражасини юксалтириш тўғрисида чиқарган қарорлари асосида амалга оширишимиз керак бўлган асосий вазифалардан биридир.

Биз ҳозирги вақтда уй-жой биноларининг экспериментал лойиҳаларини ишлаб чиқаётгирмиз. Бу лойиҳалар шу кунларда қурилаётган бинолардан ўзининг техникавий, иқтисодий ва қулайлик кўрсаткичлари жиҳатидан анча фарқ қилади.

Икки минг аҳолига мўлжалланган ва хилма-хил қаватли комплекс уй ана шулар жумласига киради. Бу комплекс илмий жиҳатдан асосланган ва Собир Раҳимов районидаги Ц-22 кварталида қуриш учун биринчи марта каркасли-панелли конструкциялар билан лойиҳалаштирилган. Унинг демографик характеристикаси маҳалла бўлиб истиқомат қилиш принципига асосланади. Уй биносида ёзги катта иморатлари ёки ҳовлиси бўлган 5, 4, 3 хонали квартиралар бор. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш уй-жой қурилишига энг кўп даражада яқинлаштирилган ва у билан бирга яхлит комплексни ташкил этади. Бундай уйнинг экспериментал қурилишини жадаллаштириш қисқа муддатлар ичида Тошкентнинг қадимдан вужудга келган қисмини реконструкциялашга ёрдам беради.

Йирик шаҳарни ривожлантиришда кўп қаватли бинолар қуриш катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда Тошкентда уй-жой биноларини кўп қаватли қилиб қуриш проблемасини Тошкент уйсозлик комбинати ишлаб чиқараётган тўққиз қаватли йирик панелли уйлар ҳал этмоқда. Мавжуд қувватларни ошириш вақтида Тошкент уйсозлик комбинати ўнинчи беш йилликда умумий майдони 860 минг квадрат метр бўлган қурилишни таъминлаши мумкин. Бу эса қаватлари анча кўпайтириладиган уйлар қуришнинг мўлжалланган минимумнинг таҳминан 50 процентини ташкил этади. Тошкент шаҳрининг Бош планига кўра 12 ва ундан ортиқроқ қаватли биноларни кўпроқ қуриш кўзда тутилади.

Мамлакатнинг бир қанча институтларида, шу жумладан, ТашЗНИИЭПда ўтказилган тадқиқотлар тўққиз балли сейсмик зонада тўққиз қаватдан ҳам юқори бинолар қурилишининг энг самаоали усули индустриал яхлит уйсозлик эканлигини кўрсатмоқда. Ҳозиргача шу усул билан Москва, Ленинград, Минск, Кишинёв, Олмаота, Душанбе ва бошқа кўпгина шаҳарларда умумий майдони салкам 400 минг квадрат метрдан иборат уй-жой ва граждан биноларн барпо этилди. Бизнинг иқлим шароитимиз бетон ишларини қишин-ёзин олиб бориш имконини беради. Индустриал яхлит уйсозликни жорий э... пўлатни анча (30 процент ва... дан ҳам кўпроқ) тежаб ко... қурилишнинг моддий-техника... засига капитал маблағлар с... лашни 50 процентгача кама... риш имконини беради. Бу... биринчи навбатда, завод ш... орини барпо этишга, материа... ва буюмлар сарфлашга ке... ган капитал маблағларни қисқ... тириш ҳисобига амалга оширил... ди. Шу билан бирга биноларни... пишиқ-пухталигини оширади. ... шу тарика фойдаланиш ҳар... жатларини 7-10 процент кама... тиради.

Шунинг учун ҳам коллектив... миз Тошкент учун 16 қават... уй-жой биносининг техникав... лойиҳасини яхлит қолда бар... этадиган қилиб яратди. Бунда... 16 қаватли бино Туркман боз... ри яқинидаги майдонда қад к... таради. Унинг қусусияти шунда... иборатки, бундай уй-жойлар б... паларнинг ўйнаши учун ва кўк... ламзорлаштириш учун жамо... ҳовлилари бўлади. Улар уйни... ҳар тўрт қавати оралиғига жо... лаштирилади. Бундай усул бил... Тошкент шароитида 25 қават... ча баланд уй-жой бинолари... риш мумкинлиги аниқланди.

Бизнинг коллективимиз Т... кентда тўққиз қаватли уй-жой... риш режаларини ҳам ишлаб ч... ди ва улароо Госгражданст... тасдиқлади. Бу биноларг я... темир-бетондан қоплама... ҳажмига қараб жойлаштирила... ган ва иқтисодий ҳамда тех... кавий кўрсаткичлари жуда са... рали биноларидир.

Институтимизнинг ижодий к... лективи уй-жой — граждан... рилишида янги йўналиш вужуд... келтирмоқда. Яхлит қаватлар... юқорига кўтариш усули бил... биноларг қуриш таклифи ишл... чиқилди ва у яқин вақт ичид... тасдиқлаш учун Госгражданстр... муҳокамасига тақдим этилд... Ички асбоб-ускуналари тай... бўлган яхлит қаватлар юкор... кўтариб берилади. Шу йўл бил... техника иқтисодий кўрсаткичл... дан ташқари индустриалштириш... ҳам самарадорликка эришила...

Яқинда Ўзбекистон мутахасс... ларидан бир группаси Москв... бориб, пойтахт қурилиши би... танишиб келди. Эксперимен... қурилишнинг миқёси биз... диққатимизни ўзига жалб ки... Экспериментал объектла... коммунистик шаҳар белгил... яққол кўриниб турибди.

Институтимиз коллективи Ўз... кистон Компартияси Марказ... Комитети ва Ўзбекистон ССР М... нистрлар Совети лойиҳа-см... ишларини яхшилаш тўғрисида... қарган қарорини бажара бор... уй-жой граждан қурилиши со... сида илгари сурилаётган вази... ларни ҳал этиш учун камме... ларни қилади. Бу эса пар... XXV съездини муносиб к... олишга кўшган ҳиссамиз бўл...

Ҳ. АСОМО...

«Госгражданстрой»нинг Т... кент шаҳрида уй-жой ва... моат биноларини типовой... экспериментал лойиҳалаш... нал илмий-тадқиқот ва ло... ҳа институтининг директори...

Янгийўл шаҳридаги болалар пойафзал фабрикасининг илғор ишчиларидан С. Мирзаева (чапда) ва С. Жиянқулова. Улар 1976 йилнинг август ойи ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.



СЎНГГИ ПОЧТАДАН

„КОММУНИЗМ ТОНГИ"нинг ИККИ МИНГИНЧИ СОНИ

Ўзбекистон КП Андижон район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг органи — «Коммунизм тонги» газетасининг икки мингинчи сони чиқди. Газета район меҳнаткашларининг пахта ҳосилдорлигини ошириш учун курашини кенг ёритишга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. Пахтачиликни комплекс механизациялаш масалалари редакция ижодий коллективининг диққат марказида. Газета саҳифаларида партия ташкилотларининг сиёсий-ташкилотчилик фаолияти, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини, социалистик мусобақани кучайтириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш мавзуларида ўқимишли материаллар мунтазам ёритилмоқда.

Район меҳнаткашлари якунловчи йилда 70 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Ана шу маррани эгаллаш йўлида қизғин давом этаётган умумхалқ мусобақаси район газетаси саҳифаларида ўз ифодасини топмоқда.

ЖОНКУЯРЛАР

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН

Бригада бошлиғини дала шийпонидан топа олмадик. У ойнаҳой сувчиларнинг олдида бўлса керак, — дейишди ясли тарбиячилари. Биз сув таралган пайкал томонга йўл олдик.

— Рўзибой ака пахтачилик илмини яхши биладиган, меҳнатсевар деҳқон, — дея гап бошлади йўлда ҳамроҳимиз. — Эсини танибдики, пахтачиликда ишлаб келади. Бригадага қарашли ерларнинг паст-баландини, тупроқ шароитини яхши билади. Мана олти йилдирки, коллективга моҳирона раҳбарлик қилиб келяпти. Ишчиларга меҳрибон, шу билан бирга талабчан. Бирор ишда нуқсон сездими, тузатмагунча ётиб уйқуси келмайди.

Биз пайкал бошига етиб келганимизда бригада бошлиғи сувчилардан Ботирали Ҳайдаров ва Йигитали Абдурайимов билан навбатдаги ишлар ҳақида маслаҳатлашиб турган экан. Салом-аликдан сўнг Рўзибой ака бу ерда юз берган воқеа ҳақида қисқача сўзлаб берди:

— Шу майдонга таралган сувдан кўнглим ҳижил эди. Ернинг нишоби жуда равон. Пайкалнинг ҳар 150-200 метридан ўқарик олиб, бўлиб-бўлиб суғормасангиз, армонда қоласиз: сув эгатларни ўпириб, тўғри коллекторга қуйилаверади. Тонгда худди шундай воқеа юз берар экан-у, ҳайрият вақтида етиб келибмиз. Сув ўйган ташламани зўрга боғлаб улгурдик. Суғориши оғир бўлган ерлар Ботирали, Йигитали каби уста сувчиларга биркитиб қўйилган. Улар бир томчи сувни ҳам исроф қилмай, экинларни кондириб суғоришяпти. Уларга иш топшириб, доғда қолмайсан киши.

Бригада етакчисининг гапларида жон бор эди. Ботирали Ҳайдаров, Йигитали Абдурайимов, Ҳошимжон Отабоев, Баркашбой Деҳконов сингари миришкорлар — коллективнинг фахри. Ернинг ҳақиқий тилсимкорлари, ҳосил жонкуярлари. Улар ерга барака уруғи қадашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олгунгача бўлган ишларда бел тутиб беришади. Рўзиқул аканинг энг яқин маслаҳатгўйлари ҳам шулар.

Яқинда Ботирали ака бригадирга маслаҳат солди:

— Шунча йил ишлаб, бу йилгидай об-ҳавони кўрган эмасман. Ёз иссиқ келди. Бунисн майлику-я, тўхтовсиз эсиб турган шамолни, гармселни айтмайсизми? Ерларни етилтириб қўяяпти. Экинларни суғсатиб, тинкасини қуритяпти. Бу ҳолдан қутилишнинг бирдан-бир йўли — ишловни ва озиқлантиришни тобора тезлаштиришдир.

Тажрибали пахтакорнинг гапи Рўзибой акага маъқул тушди. Ўша куниёқ одамларни тўплаб, қилинган ишларни таҳлил қилиб чиқди. Коллектив билан бамаслаҳат навбатдаги ишлар режасини тузиб олди. 15 киши механизм билан чорва фермасидан, маҳалла хонадонларидан маҳаллий ўғит тўплашга ажратилди. Сувчиларнинг сони тажрибали кишилар ҳисобига кўпайтирилиб, уларга Б. Ҳайдаров, Х. Отабоевлар группа бошлиқлари этиб тайинланди. Қосимжон Аликулов, Турғунали Ҳатамовлар зиммасига культиваторлар ишчи органларини кўпайтириш, механизмлар қувватидан унумли фойдаланиш, сифатли культивация қилиб, тупроқда етарли нам тўплашни назорат қилиш топширилди.

Ана шундан кейин бригадада ғўза қатор ораларига ишлов бериш қизиб кетди. Соя-салқинга жойлашган шинам дала шийпони заршунослларнинг маданий ҳордиқ чиқарадиган ороргоҳига айлантирилди.

— Республика партия ва ҳукумати Мурожаати — дейди Рўзибой ака Деҳконов, — ишчиларимизга катта куч-ғайрат бағишлади. Бу даъватдан руҳланиб м... ҳосил учун курашни авж олдир... юбордик. Культивация, ўғитла... суғориш ишлари бир-бирига бо... лаб олиб бориляпти. Учинчи су... ришни бошладик. 40 гектар ... суғоришга тахт қилиб қўйилд... Кўп миқдорда ўғит тўплаб, эг... ларга «шарбат» оқизишга кат... эътибор беряпмиз. Ҳозиргача ... тонна маҳаллий ўғит тўплаб, ма... сус чуқурларга тўкдик. Мавжу... майдонларни уч марта ҳашоро... га қарши ишлаб чиқдик. Қисқас... бригадамиздаги ҳар бир ишч... нинг фикри-зикри, резерв ва им... коniятларимиз 80 гектар ернин... ҳар гектаридан 40 центнердан «о... олтин» ҳосили олишга қаратил... ган.

М. САЛМОНОВА,
И. РАҲИМОВ.

Киров номли совхознинг «Нав... кат» бўлими

Фарғона области.